2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 226 (1825), 2026 йил 31 октябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

АНҚАРА САММИТИ: ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ЎЗАРО ИШОНЧ ВА АМАЛИЙ ШЕРИКЛИК МАЙДОНИГА АЙЛАНАЁТГАН МАКОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 29-30 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 30 октябрь куни Анқара шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг 13-саммитида иштирок этди.

“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида ўтказилган тадбирда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Токаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Саммит иштирокчилари кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиб, аъзо давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш истиқболларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида мазкур йиғилиш буюк цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Анқарада юксак савияда ташкил этилгани учун Туркия Президентига миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, тадбир арафасида сўлим “Бештепа” боғида давлатларимизнинг миллий-маданий мажмуаси очилиши қардош халқларнинг муштарак меросини асраб-авайлашда муҳим қадам бўлгани ва бу рамзий ёдгорлик туркий дунё бирлигининг ёрқин тимсолига айланиши қайд этилди.

Президентимиз бугунги кунда халқаро муносабатлар тизими тубдан ўзгариб, геосиёсий рақобат кескинлашаётганини, туркий дунё атрофидаги минтақаларда кузатилаётган зиддиятлар хавфсизлик ва тараққиёт истиқболларига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Шу боис, Туркий давлатлар ташкилотини ўзаро ишонч ва амалий шериклик майдони сифатида янада жипслаштириш зарурлигига эътибор қаратди.

— Барчамиз ушбу эзгу йўлда якдилмиз ва ўз куч-ғайратимизни туркий бирдамлик учун сафарбар этишга тайёрмиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари туркий давлатлар ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш юзасидан қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Ташкилот доирасида долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлар ўтказиш, ёндашув ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳим. Шу мақсадда учинчи мамлакатлар билан “Туркий давлатлар ташкилоти плюс” форматидаги ҳамкорликни соҳавий вазирлар учрашувларидан бошлаш таклиф этилди.

— Ушбу мулоқотлар савдо, транспорт, инвестиция ва бошқа устувор йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозим, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Юзта стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб олувчи, жумладан, нодир минералларни қайта ишлаш ва “яшил” энергетика ускуналарини маҳаллийлаштиришга қаратилган “Туркий дунё — 100” дастурини қабул қилиш таклиф қилинди. Ушбу лойиҳаларга Туркий инвестиция жамғармаси ва халқаро молиявий институтлар ресурсларини йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун “Тижорат ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги кўп томонлама шартнома ҳамда ҳуқуқий ёрдам сўровлари ва ҳужжатларни электрон алмашишга мўлжалланган рақамли платформани ташкил этиш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Глобал таъминот занжирлари ўзгараётган ҳозирги шароитда туркий давлатларнинг географик ўрни ва транзит имкониятлари тобора стратегик аҳамият касб этмоқда.

Ўрта коридорни яхлит иқтисодий тизимга айлантириш мақсадида “Туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғи”ни ташкил этиш ва биргаликда бошқариш таклиф қилинди. Бу халқаро юк ташиш ва логистикада давлатларимизнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда иқтисодий манфаатдорликни ошириш имконини беради.

Туризм салоҳиятини кенгайтириш учун эса “Туркий туризм альянси”ни тузиш, шунингдек, аҳолининг ўзаро сафарларини соддалаштириш ва ID-карталар асосида сафар қилиш имкониятларини кенгайтирувчи кўп томонлама битим ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Юртимизда хорижлик ёшлар учун таъсис этилган “Янги Ўзбекистон стипендияси” доирасида туркий давлатлар вакилларига ҳар йили таълим грантлари ажратилиши билдирилди.

Шунингдек, 2027 йилни “Табиатни асраш йили” деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик изҳор қилинди ҳамда Ўзбекистон таклифи билан таъсис этилган буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотнинг Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, элчи Дюсен Касеиновга топширилгани мамнуният билан эътироф этилди.

Бутун умрини туркий тил равнақига бағишлаган ҳазрат Алишер Навоий “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз”, деб таъкидлаган эди. Бугунги саммит шиоридан келиб чиқиб, барча туркий халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ва тилларимиздаги муштарак сўзларни жамлайдиган “Умумтуркий сўзлар луғати”ни яратиш ташаббуси илгари сурилди.

— Ишончим комилки, бугунги Анқара саммити олижаноб мақсадимиз, бирдамлик ғоямиз ва улуғвор режаларимизга эришиш йўлида муҳим қадам бўлади. Зеро, барчамизнинг орзу-истакларимиз ва интилишларимиз муштарак. Биз бир бўлсак, янада қудратлимиз. Ҳамжиҳат бўлсак, янада юксак марраларга албатта эришамиз, — деди давлатимиз раҳбари ўз нутқи якунида.

Тадбирда ташкилотнинг янги Бош котиби лавозимига Ўзбекистон вакили Мирвоҳид Азимов номзоди қўллаб-қувватлангани, шунингдек, навбатдаги саммит келгуси йили Ўзбекистонда ўтказилиши маълум қилинди.

Якунда Анқара декларацияси ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизлар билан буюк цивилизациялар чорраҳасида жойлашган гўзал Анқара шаҳрида дийдорлашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Қадрли биродарим Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларини ва бутун турк халқини мамлакатнинг қутлуғ байрами — Республика куни билан қизғин табриклайман.

Қардош турк халқига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман.

“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида ўтаётган саммитимизни юксак савияда ташкил этгани ва самимий меҳмондўстлиги учун ҳурматли Туркия Президентига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Саммит арафасида сўлим “Бештепа” боғида давлатларимизнинг миллий-маданий мажмуаси очилгани халқларимизнинг муштарак меросини асраб-авайлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ишончим комилки, ушбу рамзий ёдгорлик туркий дунё бирлигининг ёрқин тимсолига айланади.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Бугун халқаро муносабатлар тизими тубдан ўзгармоқда, геосиёсий рақобат кескинлашмоқда. Туркий дунё атрофидаги минтақаларда давом этаётган қуролли можаро ва зиддиятлар нафақат хавфсизликка, балки савдо-иқтисодий, транспорт алоқалари ва тараққиёт истиқболларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бой табиий ресурслар ва иқтисодий имкониятларга эга бўлган минтақада таъсирчан глобал тараққиёт марказига айланиб бораётган Туркий давлатлар ташкилотини биз ўзаро ишонч ва амалий шериклик майдони сифатида кўрамиз.

Биз стратегик мақсадларимиз атрофида янада жипслашиб, манфаатларимизни халқаро майдонда биргаликда илгари суришимиз лозим. Барчамиз ушбу эзгу йўлда якдилмиз ва ўз куч-ғайратимизни туркий бирдамлик учун сафарбар этишга тайёрмиз.

Қадрли дўстлар!

Ташкилотимиз доирасида долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлар ўтказиш, ёндашув ва саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори унинг ташқи шериклар билан очиқ ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантира олиш салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Шу мақсадда учинчи мамлакатлар билан “Туркий давлатлар ташкилоти плюс” форматидаги ҳамкорликни соҳавий вазирлар учрашувларидан бошлашни таклиф этаман. Ушбу мулоқотлар савдо, транспорт, инвестиция ва бошқа устувор йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозим.

Шу билан бирга, технологик ҳамкорликни чуқурлаштириш, жаҳон бозорига биргаликда чиқиш имконини берадиган саноат кооперациясини ривожлантиришимиз зарур.

Амалий қадам сифатида “Туркий дунё — 100”, яъни юзта стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб оладиган дастур қабул қилишни таклиф этамиз. Ушбу лойиҳаларга Туркий инвестиция жамғармаси ва халқаро молиявий институтлар ресурсларини йўналтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Нодир ва стратегик минералларни тўлиқ қайта ишлаш, “яшил” энергетика ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, юқори даромадли маҳсулотлар тайёрлашга устувор аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий алоқаларимиз жадал ривожланаётгани туфайли тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича умумий механизмларга эҳтиёж ортмоқда. Шу мақсадда “Тижорат ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги кўп томонлама шартнома ишлаб чиқиш лозим. Ушбу ҳужжат суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Айни пайтда ушбу йўналишда ваколатли органлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш тарафдоримиз. Бу борада ҳуқуқий ёрдам сўровлари ва ҳужжатларни электрон алмашишга мўлжалланган рақамли платформа ташкил этишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШИДДАТЛИ ЭВРИЛИШ ВА РЕАЛ НАТИЖАЛАР МАНЗИЛИ

“Янги Ўзбекистон” газетаси ижодий жамоасининг янги лойиҳаси давом этади. Тарихий қудрат ва бугунги шиддатли ислоҳотлар уйғунлигида янада юксалаётган Бухоро вилояти лойиҳамизнинг навбатдаги манзили бўлди.

Маълумки, **“Янги Ўзбекистон: шиддатли эврилиш ва реал натижалар манзили!”** лойиҳаси орқали мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришлар, қисқа вақтда эришилаётган улкан тарихий натижалар моҳияти холис таҳлил орқали очиб берилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг ижодий жамоаси лойиҳа мақсадига мувофиқ, бу сафар Бухоро вилоятидаги ўзгаришлар, шаҳару қишлоқларнинг янгиланган қиёфаси билан яқиндан танишди. Бухороликлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дил сўзларига қулоқ тутди. Шу асосда реал ҳаётий ҳикоялар орқали ислоҳотлар кўламини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Таҳририят ижодий жамоасининг ишбилармон, уддабурон ва меҳмондўст бухороликлар билан учрашувлари ёрқин таассуротлар ҳамда эсда қоларли воқеаларга бой кечди. Шулар асосида тайёрланган таҳлилий мақолалар тўплами Бухоро вилоятида кечаётган ўзгаришларнинг реал суръати ва кўламини аниқ ва атрофлича англашга хизмат қилади деб умид қиламиз.

Таҳририят

КЎҲНА БУХОРОНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИБ БОРАЁТГАН МАВҚЕИ

Бухоро вилояти ҳокими Ботир ЗАРИПОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

Бухоро — мамлакатимизнинг тарихий хотираси, илм-фан ва маданият тараққиётида алоҳида ўрин тутган замин. Асрлар давомида Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бири бўлган бу ҳудудда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва шаҳарсозлик маданияти ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган. Шу маънода, бугунги Бухоро ҳақида сўз юритганда унинг бой ўтмиши билан бир қаторда, замонавий иқтисодий қиёфаси, мавжуд ресурслардан қандай фойдаланилаётгани ва келгуси тараққиёт йўналишларига ҳам назар ташлаш зарур.

Шу боис, суҳбатимиз вилоятнинг бугунги иқтисодий имкониятлари, саноат ва инвестиция салоҳияти, қишлоқ хўжалиги ва сув масаласи, энергетика, туризм ва логистика, шаҳар инфратузилмаси, аҳоли ҳаётидаги ўзгаришлар ҳамда қадимий Бухоронинг келажакдаги қиёфаси хусусида бўлди.

— Ботир Комилович, Бухоро ҳақида гап кетганда кўпинча унинг бой тарихи ва туризм салоҳияти тилга олинади. Сизнингча, вилоятнинг ҳали тўлиқ очилмаган энг катта иқтисодий имконияти нимада?

— Бухоронинг иқтисодий имкониятларини биргина соҳа билан боғлаб бўлмайди. Вилоятда туризм, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳар бири учун катта салоҳият бор. Менимча, энг муҳим вазифа — шу имкониятларни алоҳида-алоҳида ривожлантиришдан кўра, уларни ўзаро боғланган ягона иқтисодий занжирга айлантириш.

Масалан, Бухоро туризми узоқ йиллар давомида асосан тарихий шаҳар ва зиёрат йўналишлари билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Албатта, бу бизнинг энг катта устунликларимиздан бири. Шу билан бирга, бугун туризм имкониятларини Бухоро шаҳрининг тарихий маркази доирасида кўришнинг ўзи етарли эмас. Вилоятнинг чўл ҳудудлари, Тўдакўл ва Қоракўл сув ҳавзалари экотуризм учун, туманлардаги ўзига хос таомлар, деҳқончилик ва қишлоқ турмуши агро ва гастрономик туризм учун янги имкониятлар очади. Бухорога келган сайёҳ Лаби ҳовуз ёки аркни томоша қилиб кетиш билан чекланмай, вилоятнинг бошқа ҳудудларига ҳам бориши, маҳаллий маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиши, ҳунармандлар билан бевосита танишиши муҳим. Сайёҳнинг вилоятда қолиш муддати узайса, унинг келиши иқтисодиётнинг кўпроқ тармоқларига таъсир қилади.

Бу ерда қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати имконияти ҳам кенг. Бухорода мева-сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик, қорақўлчилик каби анъанавий йўналишлар шаклланган. Энди масала хомашё етиштириш билан чекланмай, уни вилоятнинг ўзида чуқур қайта ишлаш, тайёр ва экспортбоп маҳсулотга айлантиришда.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон ТДТ трансформацияси жараёнининг асосий иштирокчиларидан бирига айланиб, Ташкилот доирасидаги интеграция жараёнларининг етакчи иштирокчиси ва ташаббускори сифатидаги мавқеини мустаҳкамламоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 31 октябрь, 226-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Глобал таъминот занжирлари ўзгараётган ҳозирги шароитда туркий давлатларнинг географик ўрни ва транзит имкониятлари тобора стратегик аҳамият касб этмоқда.

Халқаро юк ташиш ва логистикада давлатларимизнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда иқтисодий манфаатдорликни ошириш учун Ўрта коридор ва унга туташ бошқа транспорт йўлакларини яхлит иқтисодий тизимга айлантиришимиз зарур. Шу мақсадда “Туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғи”ни ташкил этиш ва уни биргаликда бошқаришни таклиф этамиз.

Туризм соҳасидаги улкан имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солишимиз лозим. Биргина 2025 йилда давлатларимизга 100 миллиондан зиёд хорижлик сайёҳ ташриф буюрди.

Туркий халқларнинг тарихий шаҳарлари, бетакрор табиати, бой маданияти ва меҳмондўстлик анъаналарини дунёга биргаликда тақдим этиш мақсадида “Туркий туризм альянси”ни ташкил қилиш вақти келди.

Аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш учун Фуқароларнинг ўзаро сафарлари тўғрисида кўп томонлама битим ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Унда ID-карталар асосида сафар қилиш имкониятларини кенгайтириш, чегарадан ўтиш ва мезбон давлат ҳудудида бўлиш тартибини соддалаштириш масалалари акс этиши лозим.

Технологик тараққиётнинг пойдевори, аввало, инсон капитали, замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш авлоддир. Уларнинг таълим олишига киритилган сармоя узоқ муддатли ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосидир.

Юртимизда “Янги Ўзбекистон стипендияси” доирасида 500 нафар хорижлик талабага грант асосида таълим олиш имконияти яратилган. Туркий давлатлар вакилларига ҳар йили 200 та таълим гранти ажратишга тайёрмиз. Қардош мамлакатлар ёшларини ушбу имкониятдан унумли фойдаланишга чақирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, 2027 йилни Ташкилот доирасида “Табиатни асраш йили”, деб эълон қилиш бўйича ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун алоҳида ташаккур айтмоқчиман.

Кейинги йил давомида амалга ошириладиган устувор вазифалар Анталияда ўтадиган COP-31 анжумани доирасида экологияга масъул вазирларимиз йиғилишида кўриб чиқилишига ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Хабарингиз бор, туркий дунё бирлигига улкан ҳисса қўшган инсонларни муносиб рағбатлантириш мақсадида буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этган эдик.

Кеча ушбу нуфузли мукофотнинг Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, элчи Дюсен Касеиновга топширилиши илм-фан, санъат ва адабиёт йўналишида изланаётган ёшларимизга янги ғайрат ва илҳом бағишлаши шубҳасиз.

Бутун умрини туркий тил равнақига бағишлаган ҳазрат Алишер Навоий “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз”, деб таъкидлаган эдилар. Бугунги саммитимиз шиоридан келиб чиқиб, барча туркий халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ва тилларимиздаги муштарак сўзларни жамлайдиган “Умумтуркий сўзлар луғати”ни яратиш ташаббусини илгари сураман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Кеча Ташкилотимизнинг нуфузли мукофоти — “Туркий дунё Олий ордени” билан Қирғиз Республикаси Президенти, ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаров Жаноби Олийлари тақдирлангани муносабати билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Шу ўринда Озарбайжоннинг Ташкилотимизга раислиги даврида биродарлик ришталаримизни мустаҳкамлаш, алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги салмоқли ишлари учун ҳурматли Илҳом Гейдарович Алиев Жаноби Олийларига катта раҳмат айтаман.

Бугун раисликни қабул қилиб олаётган Туркия давлати иқтисодий ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш, ташаббусларимизни амалий натижалар билан бойитишга катта ҳисса қўшади деб ишонаман.

Туркия Президенти, ҳурматли Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига ушбу шарафли вазифада улкан муваффақиятлар тилайман.

Шунингдек, Ташкилотимизнинг навбатдаги саммитини келгуси йили Ўзбекистонда юқори даражада ўтказишга тайёр эканимизни маълум қиламан.

Кун тартибидаги яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Олдимизга қўйилган кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда аъзо давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва Котибиятнинг самарали фаолияти айниқса муҳимдир. Ўтган даврда Бош котиб сифатида сермаҳсул меҳнат қилиб, Ташкилотимиз нуфузини ҳар томонлама оширишга муносиб ҳисса қўшган Кубаничбек Омуралиевга миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, Ўзбекистон вакили бўлган Мирвоҳид Азимов номзодини Бош котиб лавозимига қўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комил, янги Бош котиб Ташкилотимизнинг устувор вазифаларини амалга ошириш ва ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Бугунги Анқара саммити олижаноб мақсадимиз, бирдамлик ғоямиз ва улуғвор режаларимизга эришиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Зеро, барчамизнинг орзу-истакларимиз ва интилишларимиз муштарак.

Биз бир бўлсак, янада қудратлимиз.

Ҳамжиҳат бўлсак, янада юксак марраларга албатта эришамиз.

Муносабат

Ўз касбини севган, халқ учун холис хизматга бел боғлаган ҳар қандай инсон аслида эътибору эътирофга муносиблик учун ишламайди. Бироқ жамиятнинг, халқнинг ўзи уни муносиб баҳолаб, меҳнатларини алоҳида қадрлайди. Юртимизда меҳнати юксак қадр топаётган ана шундай инсонлар сафи йилдан йилга кенгайиб боряпти. Хусусан, тиббиёт ходимлари орасида ҳам.

ЭЛНИ СЕВСАНГ, ЭЛ ҚАДРЛАЙДИ

Президентимиз фармони билан тақдирланган тизим ходимлари орасида ўзимни кўриб, бошим кўкка етди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида озми-кўпми меҳнат қилиб, мукофотланиш даражасида обрў топганимдан бениҳоя хурсандман. Бу эътироф айни пайтда қилаётган тизимли ишларимизда собитқадам бўлишимиз, бор кучимизни соҳа ривожига сарфлашимизга яна бир туртки бўлади.

Фаолиятим ногиронлиги бўлган инсонлар билан боғлиқ экан, уларга муносиб ҳаёт тарзини яратишда ҳиссамни қўшишни устувор мақсадим сифатида ўз олдимга қўйганман. Айни пайтда юртимизда ногиронликни белгилашда фуқароларга енгиллик яратиш, инсон омилини камайтириш ва коррупцион ҳолатларни бартараф этиш каби эзгу ишлар устида ишланяпти.

Чунончи, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, улар учун зарур ижтимоий ва тиббий хизматларнинг очиқ, тушунарли ва қулай механизмларини яратиш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугун одамларда Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЭК) хулосаларидан норози бўлиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири янги электрон тизимда аввал II гуруҳ ногиронлиги олган фуқароларга III гуруҳ ногиронлиги тўғрисида хулоса шаклланаётганидир.

Фуқаролар янги тизим қандай ишлаши, ногиронликни белгилашда қайси ташкилот қайси босқич учун жавоб бериши, тиббий текширувлар қандай ташкил этилиши ва хулоса қандай шакллантирилиши тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмас. Шу сабабли норозилик аризалари билан турли ташкилотларга мурожаат қилмоқда.

> **Фуқаролар янги тизим қандай ишлаши, ногиронликни белгилашда қайси ташкилот қайси босқич учун жавоб бериши, тиббий текширувлар қандай ташкил этилиши ва хулоса қандай шакллантирилиши тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмас. Шу сабабли норозилик аризалари билан турли ташкилотларга мурожаат қилмоқда.**

Коррупцион ҳолатлар бўйича ҳам эътирозлар учраб турибди. Фуқаролар бировдан илтимос қилмаса ҳам, пул бермаса ҳам ногиронликни қонуний тартибда белгилаш мумкинлигини билмайди. Янги тизимнинг муҳим вазифаларидан бири айнан шундай ҳолатларга барҳам бериш ва фуқаронинг қонуний ҳуқуқини ортиқча аралашувларсиз таъминлашдан иборат. Янги тартибнинг ҳар бир босқичи масъул ташкилотлар ва фуқаронинг ҳуқуқларини содда ва тушунарли шаклда етказиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Ногиронлик масаласида фуқароларга уйдан чиқмасдан туриб (my.gov.uz), ижтимоий ходим, оилавий шифокор ёки “Инсон” маркази операторлари орқали ариза киритиш имкони яратилди. ТИЭКга йўлланмани яшаш жойидаги оилавий шифокор электрон дастур орқали юборади. Эндиликда ногиронликни белгилашда ортиқча тиббий текширувлар қисқартирилди. ТИЭКга йўллаш учун ягона узоқ муддат кутиш талаби бекор қилинди. Ногиронликни баҳолаш мезонларида янги ёндашув жорий этилди. Инсон омилини камайтириш учун хулосани шакллантириш рақамлаштирилди. Шунингдек, хулосалар қўшимча назоратдан ўтказилади. Фуқаро жараённинг кейинги босқичи ҳақида хабардор қилиб борилади. Энг аҳамиятлиси, янги тизим фақат ногиронлик гуруҳини белгилаш билангина чекланмайди. Бунда ногиронлик сабаби ва муддати билан бирга инсоннинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги, реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотларга эҳтиёжи, шунингдек, тиббий реабилитация бўйича тавсиялар ҳам шаклланади. Хулосадан норози бўлган фуқаро учун қайта кўриб чиқиш механизми мавжудлиги эса инсон қадрининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Абдиғофур НАРЗУЛЛАЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси бош мутахассиси, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЕВРООСИЁДАГИ НУФУЗИНИ ОШИРМОҚДА

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТУРКИЯГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 29-30 октябрь кунлари амалий ташриф билан Туркияда бўлиб, Анқара шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг 13-саммитида иштирок этди ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказди. Ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо, транспорт алоқалари ва энергетикани ривожлантириш ҳамда минтақавий ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш саммитнинг асосий мавзулари бўлди.

Ўзбекистон Президенти юзта стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб оладиган “Туркий дунё — 100” дастурини қабул қилиш, туркий давлатларнинг логистика тармоғини яратиш, “ТДТ плюс” форматини ривожлантириш, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини жорий этиш ҳамда туризм ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш каби ташаббусларни илгари сурди.

Саммит Анқара декларацияси ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар қабул қилиниши билан якунланди.

ТДТга аъзо давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Мирвоҳид Азимов номзодини ТДТ Бош котиби лавозимига бир овоздан маъқуллади. Шу тариқа Ўзбекистон вакили илк бор ушбу лавозимни эгаллади.

Тадбирда навбатдаги саммитни 2027 йилда Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг ТДТ 13-саммитидаги иштироки якунлари, илгари сурилган муҳим ташаббуслар ва уларнинг туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдаги аҳамияти халқаро экспертлар ҳамда етакчи оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди.

Ласло ВАША,
Иштван Сечени университети Минтақавий тадқиқотлар ва бизнес бошқаруви докторлик мактаби директори, профессор (Венгрия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Анқарага ташрифидан асосий мақсад шаклланган сиёсий муносабатлар ва умумий маданий ўзликни иқтисодий, инфратузилмавий ҳамда инвестициявий натижаларга айлантиришдан иборат.

Бу Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва туркий дунёни ўзаро



боғланган янада яхлит иқтисодий-сиёсий маконга айлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон илгари сураётган ташаббусларнинг аҳамияти мамлакат манфаатлари доирасидан анча кенг. Улар ТДТнинг асосан сиёсий ва маданий ҳамкорлик платформасидан амалий фаолият юритувчи минтақавий ташкилотга босқичма-босқич айланишига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий шериклик имкониятлари фақат савдо ҳажмини оширишда эмас, балки қўшма ишлаб чиқариш қуввати ва қўшилган қиймат занжирларини яратишдадир. Туркиянинг саноат тажрибаси, технологик имконияти ва халқаро бозорлар билан алоқаси Ўзбекистонда ривожланаётган қайта ишлаш саноатини янада кенгайтиради.

Бу Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа туркий давлатлар компаниялари иштирокида минтақавий ҳамда Европа бозорларига мўлжалланган юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболларини яратади.

Транспорт соҳасини ривожлантириш — яна бир стратегик устувор йўналиш. Ўзбекистон учун халқаро транспорт йўналишларини диверсификация қилиш нафақат тижорат вазифаси, балки узоқ муддатли иқтисодий суверенитет масаласидир. Марказий Осиёни Озарбайжон, Грузия, Туркия ва Европа билан боғловчи Ўрта коридор халқаро юк ташишда тобора долзарб йўналишга айланмоқда.

Бу борада фақат инфратузилманинг ўзи етарли эмас. Божхона тартиб-таомилларини уйғунлаштириш, ҳужжатларни рақамлаштириш, транзит тарифларининг олдиндан прогноз қилиниши ва чегара назоратини самарали ташкил этиш зарур. “E-Permit” тизими доирасидаги ҳамкорлик ТДТнинг ушбу соҳада амалий ечимларни таъминлашга қодирлигини аллақачон намоён этмоқда.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорликда катта истиқболлар мавжуд. Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш режалари ҳамда Қозоғистон ва Озарбайжон иштирокида экологик тоза электр энергиясини узатиш бўйича ташаббуслар Марказий Осиёнинг энергетика ресурсларини Европа билан боғлаш имкониятларини очмоқда. Туркия ушбу лойиҳаларни амалга оширишда муҳим географик ва инфратузилмавий ўрин тутиши мумкин.

Европа, айниқса, Венгрия нуқтаи назаридан қараганда, ТДТни Европа билан ҳамкорликка муқобил тузилма ёки унга рақобатчи сифатида баҳоламаслик лозим. Аксинча, у транспорт ўзаро боғлиқлигини яхшилаш, таъминот занжирларини диверсификация қилиш ва Европа билан Марказий Осиё ўртасида янги иқтисодий имкониятлар яратишга қодир бўлган қўшимча минтақавий механизмдир.

Шунингдек, маданий дипломатия, таълим алмашинуви, илмий ҳамкорлик ва академик мобиллик узоқ муддатли минтақавий интеграциянинг мустаҳкам асосига айланиши мумкин. Бу йўналишлар Европа университетлари ва илмий-тадқиқот муассасалари учун ҳам қўшимча имкониятлар яратади.

Ташрифдан кутилаётган натижаларга келсак, у Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлайди, транспорт, энергетика ва инвестициялар соҳаларидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлайди. Кўп томонлама келишувлар ва воситалар, жумладан, Туркий инвестиция жамғармаси ҳамда рақамли савдо механизмларини амалиётга татбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Кенг геосиёсий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистоннинг ташкилот фаолиятидаги фаол иштироки минтақавий кун тартибини шакллантиришда Марказий Осиёнинг мустақил ролини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тошкент Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари, Каспий орти йўналиши ва Европанинг иқтисодий имкониятлари ўртасида муҳим боғловчи бўғинга айланиши мумкин.

Анқарадаги учрашувнинг стратегик аҳамияти сиёсий ҳамжиҳатликдан янада чуқур амалий интеграцияга ўтиш имконияти билан белгиланади.

Ўзбекистон учун бу иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, транспорт ўзаро боғлиқлигини яхшилаш ва минтақадаги мавқеини мустаҳкамлашни англатади. ТДТ учун эса бу улкан иқтисодий ва географик салоҳиятни барча аъзо давлат учун сезиларли афзалликларга айлантириш имкониятидир.

Ахмет АКАЛИН,
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Маданият институти директори ёрдамчиси (Эрон):



— Бугун ТДТ барча устувор йўналишда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаётган самарали халқаро тузилмага айланди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти қарийб 2 триллион АҚШ долларини ташкил этади. 2026 йил охирига бориб, туркий давлатлар иқтисодиётининг умумий ҳажми 3 триллион доллардан ошиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотда иштирок этиши нафақат иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам, балки туркий дунёнинг умумий маданий ўзлигини сақлаш ва ривожлантиришга қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

2022-2023 йилларда Ўзбекистон ТДТга раислик қилди. Самарқанд саммитида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг янги йўналиш ва тармоқлари белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган концепциялар, ташаббуслар ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши бунга замин яратди.

Ўзбекистон ТДТ трансформацияси жараёнининг асосий иштирокчиларидан бирига айланиб, Ташкилот доирасидаги интеграция жараёнларининг етакчи иштирокчиси ва ташаббускори сифатидаги мавқеини мустаҳкамламоқда.

ТДТ фаолиятини кенгайтиришда ташкилот доирасида янги қўшма ишлаб чиқариш корхоналари ва қўшилган қиймат занжирларини яратиш, оддий хомашё экспортидан минтақавий кооперация асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, савдо, рухсатномаларни расмийлаштириш ва логистикани ташкил этиш учун рақамли платформаларни ривожлантириш ҳам ТДТ нуфузини юксалтиради.

Анқарадаги саммитда Президент Шавкат Мирзиёев шериклик алоқаларини янада кенгайтириш ва жадаллаштириш таклифини илгари сурди. Шунингдек, у транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва халқаро транзит йўлакларини ривожлантириш борасида келишилган сиёсат юритиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон етакчисининг ТДТ саммитидаги иштироки минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари суришда навбатдаги қадам бўлади.

Мамлакатнинг фаол ва конструктив ташқи сиёсати Туркий давлатлар ташкилотининг нуфузини ошириш, қардош халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва келажакка умумий қарашга асосланган муносабатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Александр ВОРОБЬЁВ,
Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими, Жамоатчилик дипломатияси ва жаҳон сиёсатини таҳлил қилиш маркази директори:

— Ўзбекистон Президентининг Анқарага ташрифи муҳим воқеадир. Зеро, Туркия ва ТДТга аъзо бошқа давлатлар билан кенг қамровли алоқаларни мустаҳкамлаш Тошкент учун стратегик аҳамиятга эга.



Бу, бир томондан, Ўзбекистоннинг ғарбий йўналишда (Жанубий Кавказ, Туркия, Жануби-шарқий Европа) транспорт-логистика боғлиқлигини ривожлантиришдан манфаатдорлиги, иккинчи томондан эса саноат ва қишлоқ хўжалигининг йирик сармоя ва кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларига инвестиция ҳамда технологияларни жалб этиш, гуманитар йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурати билан боғлиқ.

ТДТ етакчиси сифатида Туркия учун ҳам, ташкилотнинг бошқа аъзолари учун ҳам бугун Ўзбекистон салмоқли иқтисодий, демографик ва маданий салоҳиятга эга таянч давлат сифатида муҳим аҳамият касб этади.

ТДТнинг ривожланиш стратегияси ва Ўзбекистоннинг бир вақтнинг ўзида бир нечта — шимолий (Россия), жанубий (Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон) ҳамда шарқий (ХХР) йўналишларда пухта ўйланган кўп векторли сиёсат юритишга интилиши бир-бирини мукаммал тўлдиради.

Ўзбекистоннинг ТДТ, жумладан, Туркия билан алоқалари мустаҳкамланиши Евроосиёнинг глобал сиёсий ва иқтисодий пойдеворини шакллантиришга салмоқли ва ижобий ҳисса қўшиб, барқарор ҳамда изчил ривожланиш учун қулай шароит яратади.

ТДТ доирасидаги музокаралар якуни Ўзбекистоннинг ташкилот билан бир вақтнинг ўзида бир нечта соҳа — логистика, савдо, саноат кооперацияси ва маданий-гуманитар йўналишлардаги ҳамкорлигига янги суръат бағишлайди.

“Дунё” АА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига

ДАВР НАФАСИ

3

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 31 октябрь, 226-сон

КЎҲНА БУХОРОНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИБ БОРАЁТГАН МАВҚЕИ

Бухоро вилояти ҳокими Ботир ЗАРИПОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

Бошланиши 1-бетда

Қоракўл териси ва жуни, пахта, мева-сабзавот, узум ва бошқа маҳсулотлар бўйича қўшилган қиймат занжирини узайтириш вилоят иқтисодиёти учун янги даромад манбаларини яратишга хизмат қилади. 2026-2028 йилларда агробизнес, туризм, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида умумий қиймати 11,5 миллиард долларга тенг йирик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилгани ҳам бу имкониятнинг кўламини кўрсатади.

Бухоронинг яна бир муҳим устунлиги — энергетика салоҳияти. Вилоятнинг табиий-иқлим шароити қуёш ва шамол энергетикасини кенг ривожлантириш имконини беради. Ҳозир умумий қуввати 5 гигаватт бўлган йирик қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шундан умумий қуввати 2 гигаватт бўлган бешта лойиҳа ишга туширилди. Барқарор энергия таъминоти янги саноат қувватларини жойлаштириш, қайта ишлашни кенгайтириш ва инвесторлар учун қулай муҳит яратишда ҳам муҳим омил бўлади.

Ҳунармандчилик ҳам катта иқтисодий имкониятга эга. Бухоро зардўзлиги, заргарлиги ва бошқа анъанавий ҳунармандчилик мактабларини замонавий дизайн, савдо ва экспорт билан боғласак, уларнинг бозори анча кенгаяди. Бу соҳани туризм билан уйғун ривожлантириш эса маҳаллий аҳоли учун қўшимча даромад ва янги иш ўринлари очиш имконини беради.

Бугунги кўрсаткичлар бундай ёндашув учун иқтисодий асос борлигини кўрсатмоқда. 2026 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда 1,9 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Экспорт қилувчилар сони 200 тага етди. Бухорода ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 37 мамлакатга етказиб берилди. Энди асосий масала инвестиция ва экспорт ҳажмининг ўзи билан чекланиб қолмай, уларнинг вилоятда қанча қўшилган қиймат, янги иш ўрни ва барқарор даромад яратаётганига эътибор қаратишда.

— Замонавий қурилиш, меҳмонхоналар ва бизнес инфратузилмаси билан Бухоронинг тарихий қиёфасини қандай уйғунлаштириш мумкин?

— Бухорода бу масалага жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади. Чунки шаҳарнинг қадри фақат тарихий обидалар билан ўлчанмайди. Кўчалар, маҳаллалар, ҳовлилар, анъанавий меъморчилик ва уларни бирлаштириб турган яхлит шаҳар муҳити ҳам Бухоронинг тарихий қиёфасини белгилайди. Шу боис, биз учун асосий тамойил — эски шаҳарни замонавий қурилишларга мослаштириш эмас, янги қурилиш ва инфратузилмани тарихий муҳит талабларига мувофиқ ривожлантириш.

Бу, биринчи навбатда, тарихий марказдаги ҳар қандай қурилиш ва реконструкция ишларига аниқ талаблар асосида ёндашишни тақозо этади. Эски шаҳарда баланд, йирик ҳажмли ёки тарихий панорамага таъсир кўрсатадиган бинолар пайдо бўлиши Бухоронинг асрлар давомида шаклланган меъморий муҳитига зарар етказиши мумкин. Шу боис, тарихий марказ ва унга туташ ҳудудларда биноларнинг баландлиги, ҳажми, ранги, қурилиш материаллари, кўчага нисбатан жойлашуви каби жиҳатлар ҳисобга олиниши зарур. Янги объектлар замонавий бўлиши мумкин. Фақат улар шаҳарнинг мавжуд меъморий қиёфаси билан уйғунлашиши керак.

Албатта, Бухорога янги меҳмонхоналар, бизнес марказлари ва транспорт инфратузилмаси ҳам керак. Масаланинг ечими уларни тарихий марказга жойлаштиришда эмас, шаҳарнинг янги ривожланаётган ҳудудларида замонавий бизнес инфратузилмасини шакллантиришда. Катта объектларни тарихий ядродан ташқарида ривожлантириш орқали эски шаҳарга тушадиган қурилиш ва транспорт босимини камайтириш мумкин.

Транспорт масаласи ҳам тарихий муҳитни асраш билан бевосита боғлиқ. Эски шаҳарда автомобиль ҳаракатини тартибга солиш, пиёдалар учун қулай ҳудудларни кенгайтириш, сайёҳлар ҳаракатида ихчам электр транспорт воситаларидан фойдаланиш, автотураргоҳларни тарихий марказдан ташқарида ёки муҳитга таъсири кам бўлган шаклда ташкил этиш муҳим. Бу бир томондан тарихий обидаларга тушадиган экологик босимни камайтирса, иккинчи томондан сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли учун қулай шаҳар муҳитини яратади.

Замонавийликни фақат янги бино қуриш билан баҳолаш ҳам тўғри эмас. Бухоронинг тарихий марказида юқори тезликдаги интернет, электрон навигация, QR-кодлар ва аудиогидлар, меҳмонхона ва хизматларни рақамли бронлаш тизимлари каби имкониятларни кенгайтириш мумкин. Бундай технологиялар шаҳарнинг ташқи тарихий қиёфасига дахл қилмаган ҳолда хизматлар сифатини оширишга сабаб бўлади.

Мақсадимиз Бухорони музей-шаҳарга айлантириб қўйиш ҳам, замонавийлаштириш баҳонасида тарихий қиёфасини йўқотиш ҳам эмас. Тарихий шаҳар яшаши, унда тадбиркорлик, туризм ва хизматлар ривожланиши керак. Шу билан бирга, бу иқтисодий фаоллик Бухоронинг энг катта бойлиги бўлган тарихий муҳит ҳисобига кечмаслиги шарт. Шунда асрлар давомида шаклланган шаҳар қиёфасини сақлаган ҳолда, замонавий ва қулай Бухорони ривожлантириш мумкин.

— Вилоятда йирик саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда. Сизнингча, Бухорода қайси маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали хомашё экспортидан тайёр маҳсулот экспортига ўтиш мумкин?

— Менимча, Бухоро саноати учун энг тўғри йўл — хомашё базасини чуқур қайта ишлаш ва қўшилган қиймат занжирини вилоятнинг ўзида узайтириш. Бунда масала заводлар сонини кўпайтириш билан ҳал бўлмайди. Асосий мезон бир тонна хомашёдан қанча қиймат яратишимиз, уни қай даражада тайёр маҳсулотга айлантиришимиз ва ташқи бозорга қандай нархда олиб чиқишимиз билан белгиланади.

Бунинг учун Бухорода етарли база бор. Вилоятда нефть-газ, пахта, мева-сабзавот, қоракўлчилик ва ипакчилик хомашёси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Ҳозирнинг ўзида нефть-кимё, минерал ўғитлар, қоғоз-картон, нефть-газ ускуналари учун эҳтиёт қисмлар ва гидроизоляция материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишлар шаклланмоқда. Энди шу имкониятлардан фойдаланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушини оширишимиз керак.

Биринчи муҳим йўналиш — нефть-газ ва кимё саноати. Қоровулбозор ва Олот ҳудудларидаги углеводород ресурслари газни ёки оралиқ маҳсулотни сотишдан кўра анча кенг имконият беради. Бензол, толуол ва ксилол каби маҳсулотлардан кейинги босқичда полимерлар, махсус кимёвий реагентлар, саноат композитлари, қадоқлаш материаллари, полимер қувурлар, автомобиль саноати ва маиший техника учун деталлар ишлаб чиқариш мумкин. Маиший кимё, синтетик ювиш воситалари ва автокимё маҳсулотлари ҳам шу занжирнинг давоми бўла олади. Вилоятда бу йўналишдаги лойиҳалар бошлангани кейинги босқичга ўтиш учун асос яратади.

Қоракўлчилик ва ипакчилик Бухоронинг тарихий ихтисослашувидир. Бу соҳаларда ҳам хом тери, жун ёки пилла билан чекланиб қолиш иқтисодий жиҳатдан етарли самара бермайди. Қоракўл терисидан тайёр кийимлар ва аксессуарлар, ипакдан тайёр мато, рўмол ва замонавий миллий либослар ишлаб чиқариш, уларни дизайн ва бренд билан боғлаш орқали анъанавий маҳсулотларнинг бозор қийматини ошириш мумкин.

Қурилиш материаллари саноатида “хомашёдан тайёр ечимгача” тамойили муҳим. Вилоятдаги гипс, гранит, мармар ва бошқа минерал ресурслардан сайқалланган декоратив тош ва плиталар, энергия тежамкор панеллар, қуруқ қурилиш аралашмалари, гидроизоляция, фасад ва интерьер материаллари ишлаб чиқариш имконияти бор. Ғиждувон ва Пешку туманларида қурилиш материаллари саноати устувор йўналиш сифатида белгиланган ҳам бу борадаги ишларни кенгайтиришга замин яратади.

Яна бир истиқболли йўналиш — саноат учун ускуна ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш. Нефть-газ, энергетика, сув ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун насослар, клапанлар, фильтрлар, электр жиҳозлари ва эҳтиёт қисмларга доимий талаб мавжуд.

Энг муҳими, бу йўналишларни бир-биридан узиб қўймаслик керак. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади. Бунинг учун инвестиция базаси ҳам шакланмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярмида Бухорода 103 та инвестиция лойиҳаси доирасида 1,3 миллиард долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Вилоят маҳсулотлари 37 мамлакатга экспорт қилинди.



— Бухоронинг сув ресурслари чекланган. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш билан бирга сувни асраш муҳим вазифа. Яқин йилларда Бухоро қишлоқ хўжалигида нимадан воз кечиб, нимани кўпайтириш керак?

— Бухоро учун бу саволни, аввало, “бир куб метр сувдан қанча қиймат оламиз?” деган нуқтаи назардан қўйиш тўғри бўлади. Чунки вилоятимиз адир, яъни чўл иқлими ҳудудида жойлашган. Йиллик ёғин миқдори тахминан 130-180 миллиметрни ташкил этади. Ёз ойларида эса ёғингарчилик деярли кузатилмайди. Энг муҳими, сувнинг асосий қисми Амударёдан Аму-Бухоро канали орқали насослар ёрдамида катта энергия сарфи ҳисобига олиб келинади. Шу сабаб Бухорода қишлоқ хўжалигининг келажаги ер майдонини кенгайтиришдан кўра, сувдан қанчалик самарали фойдаланишимизга кўпроқ боғлиқ.

Бугун вилоятда 299,1 минг гектар суғориладиган майдон мавжуд. Унга йилига ўртача 3,93 миллиард куб метр сув етказиб берилади. Ушбу сувнинг 95 фоизи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун сарфланади. Вилоятга сув 100 фоиз насос станциялари орқали келтирилишини ҳисобга олсак, ортиқча сарфланган ҳар бир куб метр сув ортида энергия харажати ҳам борлиги аён бўлади. Шунинг учун сувни тежаш, таннархини пасайтириш ва ирригация инфратузилмасини модернизация қилиш биз учун стратегик вазифа.

Қишлоқ хўжалигида эса сувталаб ва иқтисодий самараси паст экинларни, айниқса, сув таъминоти мураккаб ҳудудларда босқичма-босқич қисқартириш зарур. Экин таркибини ўзгартиришнинг ўзи сув муаммосини ҳал қилмайди. Сув тежовчи технологияларни қишлоқ хўжалигининг асосий талабларидан бирига айлантиришимиз керак. 2025 йилда 77,8 минг гектар майдонда замонавий суғориш ва сув тежаш технологиялари жорий этилди. 2026 йилда 35,8 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни қўллаш режалаштирилган эди. Амалда бу кўрсаткич 46,7 минг гектарга, яъни режага нисбатан 130 фоизга етказилди.

Масаланинг яна бир томони — сувни фақат далада тежаш билан чекланиб қолмаслик. Сув манбадан экин майдонига етиб келгунига қадар ҳам йўқотишлар юз беради. Шу боис, ирригация ва мелиорация тармоқларини янгилашга катта эътибор қаратяпмиз. 2021-2025 йилларда 285,6 километр ирригация ва 153,6 километр коллектор тармоқлари реконструкция қилинди, 2 та сув иншооти янгиланди, 32 та насос агрегати ва қудуқ барпо этилди.

2026 йилда бу ишлар янада кенгаймоқда. Режага мувофиқ, 63,6 километр хўжаликлараро каналларни бетонлаштириш, 1081 километр коллектор тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, 4 та насос станциясини модернизациялаш, 22,5 километр магистрал каналларни янгилаш ҳамда 1100 километр ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш белгиланган. Ушбу ишлар натижасида 36,4 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати ва 96,8 минг гектар майдоннинг сув таъминотини яхшилаш, 453,5 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Келгусида сув тежайдиган суғориш технологиялари улушини 60 фоизга етказиш орқали 1 миллиард 45 миллион куб метр сув иқтисод қилишни режалаштиряпмиз. Биз учун майдон ҳажмидан кўра маҳсулдорлик, етиштирилган хомашё миқдоридан кўра қўшилган қиймати, умумий сув сарфидан кўра ҳар бир куб метр сув ҳисобига олинаётган иқтисодий самара асосий мезон бўлиб бориши керак.

— Инвестиция масаласига тўхталсак. Бугун инвестор учун Бухоронинг энг катта устунлиги нимада?

— Биринчи устунлик — хомашё ва ресурс базаси. Бухорода нефть ва газ ресурслари, газ-кимё саноати, пахта ва пилла, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун мармар, гранит, гипс, қум каби минерал ресурслар мавжуд. Олдинги жавобларда айтганимиздек, бу ресурслардан юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган янги лойиҳалар ҳам амалга ошириляпти. Бу эса инвестор учун фақат хомашё манбасини эмас, маҳаллий кооперация имкониятини ҳам кенгайтиради.

Иккинчи муҳим жиҳат — Бухоронинг географик жойлашуви ва транспорт имкониятлари. Вилоят орқали Марказий Осиёни Туркманистон, Эрон, Россия ва Европа бозорлари билан боғлайдиган темир йўл ва автомобиль йўналишлари ўтади. Бухоро халқаро аэропорти ҳам ташқи алоқалар учун қўшимча имконият яратади.

Қайта тикланувчи энергетика бўйича амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ҳам Бухоронинг инвестиция муҳитига таъсир қилади. Вилоятда ACWA, Masdar каби йирик хорижий компаниялар иштирокида қуёш ва шамол энергетикаси лойиҳалари ишга туширилмоқда.

Инвесторлар учун тайёр инфратузилма ва махсус ҳудудларнинг мавжудлиги ҳам аҳамиятли. “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонаси ва вилоятнинг турли туманларидаги кичик саноат зоналари ишлаб чиқариш лойиҳаларини жойлаштириш имконини беради. Амалдаги тартиблар доирасида инвестиция ҳажмига қараб ер, мол-мулк ва сув солиғи бўйича имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Бу механизмлар инвесторнинг дастлабки харажатларини камайтириш ва лойиҳани ишга тушириш жараёнини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Бухоронинг инвестиция борасидаги асосий устунлигини тайёр имкониятлар мажмуасида кўраман. Биз инвесторга ресурс, инфратузилма, бозор ва ташқи савдо йўналишларини бир-бири билан боғланган ҳолда таклиф қила олишимиз керак. Шунда Бухоро инвестиция киритиш мумкин бўлган ҳудуд сифатидагина эмас, лойиҳани амалга ошириш механизми ва кейинги бозори тушунарли бўлган ҳудуд сифатида ҳам рақобатлаша олади.

— Бухоро Ўзбекистон билан бирга Марказий Осиёдаги муҳим тарихий ва иқтисодий марказлардан бири бўлиш имкониятига эга. Вилоятни минтақавий туризм, савдо ва логистика марказига айлантириш учун ҳозир қандай ишлар қилинмоқда?

— Аввало, туризмда Бухоро шаҳри доирасидан бутун вилоят миқёсига чиқишга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада 2026 йил учун аниқ мақсадлар белгиланган. Жорий йилда вилоятга 3,5 миллион хорижлик ва 5,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш режалаштирилган. Бунинг учун 73 та янги жойлаштириш объекти ва 15 та янги туроператор ҳамда туристик фирма ташкил этиш режалаштирилган. Шаҳарда янги туристик марказ ва бешта халқаро бренд меҳмонхонасини ташкил этиш, Шофиркон туманида Хўжа Ориф, Бухоро туманида Чор Бакр ва Ёржон туризм қишлоқлари, Моҳи Хосса туристик маҳалласини ривожлантириш кўзда тутилган. Жондор, Ғиждувон, Бухоро, Қоракўл ва Вобкент туманларида сув бўйи дам олиш масканлари, йўлбўйи сервис объектлари ва янги рекреация зоналарини ташкил этиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ромитан туманида “Bukhara Desert Oasis & Spa” туристик кластери ташкил этилмоқда. Бу чўл ҳудудларининг имкониятларидан фойдаланиб, экотуризм ва саргузашт туризмини алоҳида туристик маҳсулот сифатида ривожлантириш имконини беради. Мақсадимиз сайёҳ учун Бухоро шаҳри, Ғиждувон ҳунармандчилиги, Чор Бакр, агро ва этнотуризм, чўл туризмини бирлаштирган 3-5 кунлик маршрутларни шакллантириш. Шунда туристнинг Бухорода ўтказадиган вақти ҳам, маҳаллий хизмат ва маҳсулотларга сарфлайдиган маблағи ҳам ортади.

Туризм инфратузилмасини кенгайтиришда “Боқий Бухоро” маданий-этнографик мажмуаси ҳам муҳим лойиҳалардан. Унда меҳмонхона мажмуалари, миллий ҳунармандчилик марказлари, яшил ҳудудлар ва бошқа туристик инфратузилма объектларини ташкил этиш кўзда тутилган. Туризм соҳаси учун замонавий бошқарув кадрларини тайёрлаш мақсадида Австриянинг Кремс университети билан ҳамкорликда қўшма факультет очиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Албатта, минтақавий туризм маркази бўлиш учун транспорт боғлиқлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тошкент — Бухоро йўналишида қўшимча юқори тезликдаги поездлар қатновини йўлга қўйиш, Бухорога авиақатновлар сонини ошириш бўйича ишлар бажарилмоқда. Халқаро туризмда Жанубий-шарқий Осиё бозорига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Индонезия, Малайзия ва Сингапурдан туристлар оқимини кўпайтириш, жумладан, тўғридан тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинган.

Бухоро тарихан одамлар, товарлар ва маданиятлар туташган савдо маркази бўлган. Бугунги вазифа шу тарихий мавқени замонавий иқтисодий мазмун билан бойитиш, вилоятни Марказий Осиёда туризм, савдо ва логистика ўзаро боғланган муҳим марказлардан бирига айлантиришдир.

— Сизнингча, бугун Бухоро аҳолиси ҳаётида сезилаётган энг муҳим ўзгариш нима?

— Бугун Бухоро аҳолиси ҳаётида сезилаётган энг муҳим ўзгариш — иқтисодий фаоллик ва янги имкониятларнинг одамлар кундалик турмушига тобора яқинлашаётгани. Вилоятдаги ўзгаришларни йирик қурилишлар, инвестиция ҳажми ёки иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари орқали баҳолаш мумкин. Одам эса бу жараённи бошқача ўлчайди: янги иш ўрни пайдо бўлдими, оиласининг даромади ошдими, фарзанди яхши шароитда ўқияптими, маҳалласидаги йўл, сув, транспорт ва хизматлар яхшиландими — уни, биринчи навбатда, шу саволлар қизиқтиради.

Бухоро шаҳрининг ўзида ҳам катта ўзгаришлар бўляпти. Янги бош режада шаҳар ҳудудини қарийб 4000 гектарга кенгайтириш назарда тутилган. Янги уй-жой массивлари, “Янги Ўзбекистон” маҳаллалари, ижтимоий объектлар ва яшил ҳудудларни барпо этиш шаҳарнинг кейинги ўн йилликлардаги ривожланиш йўналишини белгилаб беради. Шаҳар кенгайиши билан бирга мактаб, боғча, тиббиёт муассасаси, йўл, муҳандислик ва коммунал тармоқлар ҳам мутаносиб ривожланиши керак. Чунки янги уй қуришнинг ўзи етарли эмас, одамга яшаш учун тўлақонли муҳит зарур.

Таълим соҳасидаги ишлар ҳам бевосита оилалар ҳаётига дахлдор. 2026 йилнинг биринчи ярмида вилоятда 151 та мактаб ва 85 та мактабгача таълим ташкилотида ишлар бажарилиб, 24,5 мингдан ортиқ янги ўқув ўрни очилди. Бу рақам ортида минглаб оилалар учун фарзандининг уйига яқин, муносиб шароитда таълим олиши билан боғлиқ имконият турибди.

Инфратузилмадаги ўзгаришлар ҳам кундалик ҳаётда тез сезилади. Шаҳардаги тирбандликни камайтириш ва ҳудудлар ўртасидаги транспорт боғлиқлигини яхшилаш мақсадида 7 та айланма йўл ҳамда йирик магистралларни реконструкция қилиш бўйича ишлар бошланган. Ичимлик сув ва энергия таъминоти тизимларини яхшилашга ҳам маблағ йўналтириляпти. Олдин айтганимдек, бу йўналишларда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бор. Шу билан бирга, муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш аҳоли турмушидаги ўзгаришнинг энг муҳим қисмларидан бири бўлиши керак.

Иш билан таъминлаш ва доимий даромад манбаларини кўпайтириш эса одамлар энг тез ҳис қиладиган ўзгаришлардан. Когон, Қоракўл, Ғиждувон ва бошқа ҳудудларда янги саноат қувватларининг пайдо бўлиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши аҳолининг яшаш жойига яқин ҳудудда ишлаш ва даромад топиш имкониятини оширади. Мен учун бу жуда муҳим. Чунки инвестициянинг аҳоли учун энг тушунарли натижаси — барқарор иш ўрни ва даромад.

Шу боис, бугунги ўзгаришларни Бухоронинг фақат ташқи қиёфаси янгиланаётгани билан изоҳламасдим. Гап иқтисодий ривожланишнинг одамлар ҳаётига тобора яқинлашиб бораётганида. Янги корхона иш ўрни очса, янги мактабда болага яхши шароит яратилса, йўл одамнинг вақтини тежаса, сув ва транспорт билан боғлиқ муаммолар камайса, иқтисодий ўсишнинг мазмуни одамга тушунарли бўлади. Албатта, бу жараён ҳали якунлангани йўқ. Олдимизда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар кўп.

— Бухоро бренди келажакда нима бўлиши мумкин?

— Бухоро дунёга аллақачон тарихий шаҳар сифатида танилган. Эндиги вазифа — шу тарихий нуфузни замонавий иқтисодиёт, ҳунармандчилик, таълим, туризм, креатив индустриялар ва янги авлод имкониятлари билан боғлаш.

Масалан, Бухоро ҳунармандчилигини сайёҳга сотиладиган эсдалик буюмлар доирасида кўриш тўғри бўлмайди. Қоракўл, ипак, зардўзлик, гиламчилик ва бошқа анъанавий йўналишларни замонавий дизайн, сифат ва брендлаш билан боғласак, уларнинг ташқи бозордаги қийматини ошириш мумкин. Маҳсулотнинг Бухорода ишлаб чиқарилгани унинг келиб чиқиши, тарихи ва маҳоратини ифодалайдиган ўзига хос сифат белгиси бўлиши керак.

Туризмда ҳам шундай ёндашув зарур. Сайёҳ Бухорога келиб фақат тарихий обидаларни томоша қилиб кетиши билан чекланмаслиги керак. У миллий таомларни татиб кўрсин, ҳунарманд устахонасига кирсин, маҳаллий маҳсулот сотиб олсин, туманларга борсин, чўл ва экотуризм имкониятларидан фойдалансин.

Келажакдаги Бухоро фақат “кўриш учун бориладиган” тарихий шаҳар бўлиб қолмаслиги керак. У яшаш, таълим олиш, ишлаш, бизнес билан шуғулланиш, ижод қилиш ва янги тажриба орттириш учун ҳам қизиқарли ҳудуд бўлиши лозим. Тарихий меросимиз шу жараёнда ўз қийматини йўқотмайди, аксинча, янги иқтисодий ва ижтимоий имкониятларнинг асосига айланади.

Шу маънода, Бухоронинг келажакдаги брендини бир жумлада “Тарихдан келажак сари” деб ифодалаган бўлардим. Чунки олдимиздаги вазифа тарихни асраш билан бирга, уни янги имкониятлар, замонавий тараққиёт ва янги авлод учун кучга айлантиришдан иборат.

Ҳудуддаги масалаларни ҳал қилиш учун ҳокимда ҳам, маҳалла раисида ҳам, умуман, “еттилик”нинг ҳар бир вакилида ресурс ва ваколат етарли.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 31 октябрь, 226-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Бухоро шаҳри мамлакатимизнинг энг қадимий ва улуғвор манзилларидан. Шу боис, бу ердаги кўни-қўшничилик анъаналари, маҳалланинг ўзига хос қадриятлари илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кўп асрлардан бери халқимиз “Бир болага етти маҳалла — ота-она”, “Маҳалланг тинч — сен тинч” каби пурмаъно ҳикматларга таяниб, умргузаронлик қилиб келади. Бугунги ортга қайтмас ислоҳотлар тарихий қадриятлар билан уйғунлашиб, гузарларимиз янада тинч ва обод, халқимиз ҳаёти фаровон бўлмоқда.

Инсон қадри учун



ОБОД МАҲАЛЛА, ФАРОВОН ХОНАДОН – БАРҚАРОР ЖАМИЯТ АСОСИ



Шерзод АШУРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи

Айниқса, кейинги йилларда маҳалла тизимидаги туб ўзгаришлар аҳоли вакилларининг кўпгина масалалари маҳалла идорасининг ўзидаёқ ечимини топишига замин ҳозирлади. Сўнгги йилларда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш, тизимни босқичма-босқич ривожлантириш, молиявий имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар маҳаллани нафақат аҳоли муаммоларини ҳал этувчи масканга, балки юртдошларимизни бунёдкорлик, яратувчанлик, юрт тақдирига дахлдорлик каби эзгу фазилатларга руҳлантирувчи, эзгу ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи тузилмага айлантирмоқда.

Президентимиз шу йил 16 июль куни маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида алоҳида қайд этганидек, ҳудуддаги масалаларни ҳал қилиш учун ҳокимда ҳам, маҳалла раисида ҳам, умуман, “еттилик”нинг ҳар бир вакилида ресурс ва ваколат етарли.

Буни рақамлардан ҳам билиш мумкин. Жорий йил инфратузилмани яхшилаш, одамлар ва тадбиркорлар учун шароит яратиш мақсадида туманларга ўртача 250 миллиард сўмдан, маҳаллаларга эса 5,5 миллиард сўмдан маблағ берилди. Туман ҳокимлари ва маҳалла раисларининг тушум бўйича ваколати кенгайтирилгани натижасида ҳудудда қоладиган қўшимча даромад 2 баробаргача кўпайди. Туманларда ўртача 22 миллиард сўмдан қўшимча маблағ қолди. Маҳалла бюджетига эса ўртача 150-200 миллион сўм тушди.

Асосий масала берилган имконият ва ваколатлардан фойдаланиб, аҳолининг муаммоларига ечим топиш, тадбиркорлик йўналишидаги ҳаракатини рағбатлантиришдир. Бу эса масъуллардан фаоллик ва масъулиятни ўз зиммасига олиш, яъни фидойи бўлишни талаб этади. Бухоро вилояти маҳаллаларидаги “еттилик” бу имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат жамоа аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилаларда тинчлик-тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишларни бажармоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни қисқартириш ва фуқароларнинг даромад манбаларини кенгайтириш борасидаги ишлар замирида инсон манфаати, муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратишдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, ҳар бир фуқаронинг ишли бўлиши, ўз меҳнати орқали оиласи фаровонлигини таъминлаши нафақат иқтисодий барқарорлик, балки жамиятдаги ижтимоий хотиржамликнинг ҳам муҳим омилидир.

Шу маънода, жорий йилнинг тўққиз ойида Бухоро шаҳри маҳаллаларида 4000 дан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланганини алоҳида қайд этиш лозим. Уларни ишга жойлаштиришда меҳнат фаолиятининг хавфсиз ва барқарор экани, даромадининг бугунги бозор талабларига мослигига алоҳида урғу берилди. Натижада ушбу оилаларнинг барчаси камбағалликдан чиқарилди.

Эътиборлиси, уларнинг 2000 дан ортиғи хотин-қизлар, қарийб 1500 нафари ёшлардан иборат. Гап аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақида борар экан, ушбу йўналишда, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига кўмаклашишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтган 1000 га яқин фуқаронинг бандлиги таъминлангани уларнинг хорижда орттирган тажрибаси ва малакасини юртимизда самарали ишга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият яратиш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ишсизларга бозорда талаб юқори касб-ҳунар ўргатиш ва тадбиркорликка йўналтириш жуда муҳим. Шу мақсадда 523 фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Бу эса уларнинг нафақат бугунги эҳтиёжларини қондириш, балки келгусида мустақил даромад топиши, ўз бизнесини йўлга қўйиши учун ҳам пухта замин ҳозирлади.

Ҳудудда иқтисодий фаолликни ошириш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва янги даромад манбаларини шакллантириш мақсадида 1830 та микролойиҳа ишга туширилди. Бундай лойиҳалар маҳаллий имкониятлардан унумли фойдаланиш, кичик бизнесни ривожлантириш ва аҳоли учун қўшимча иш ўринлари очишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун мамлакатимиз аграр секторига замонавий технологиялар, илғор тажрибалар кенг жорий этилмоқда. Натижада ушбу тармоқда ҳосилдорлик, саноатлашув даражаси, шунга мос равишда юқори даромад олиш имконияти ҳам кенгаймоқда. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги соҳасининг илмий асос ва замонавий технологиялар ёрдамида жадал ривожлантирилиши аҳоли бандлигини таъминлашда янги имкониятлар яратмоқда.

Бошқа ҳудудлар сингари Бухоро вилоятида ҳам ушбу йўналишда даромад топиш истагидаги фуқароларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, талабгорларга ижара асосида ер майдони ажратиляпти. Бу жараёнда фақат ер ажратиш билан чекланиб қолинмай, талабгорларнинг ердан унумли фойдаланиши, юқори ҳосил олиши ва кўзланган даромадга эришиши учун барча қўллаб-қувватлов чоралари кўрилмоқда.

Умуман олганда, бу каби чора-тадбирлар ортида минглаб инсонларнинг ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, оилалар фаровонлиги ва келажакка ишончини мустаҳкамлаш мақсади турибди. Яратиб берилаётган имкониятлар эса аҳолининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Зеро, ҳар бир янги иш ўрни, ҳар бир йўлга қўйилган микролойиҳа ва ҳар бир қўллаб-қувватланган ташаббус обод маҳалла, фаровон хонадон ва барқарор жамият сари ташланган муҳим қадамдир.

Бухоро шаҳридаги маҳаллаларнинг ўзига хос жиҳати, бошқача айтганда, устуворлигини ҳам қайд этиш лозим. Бинобарин, бу ерда туризм, хусусан, зиёрат туризми ривожланган. Бу эса ҳудудда савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш, меҳмонхона ва меҳмон уйлари фаолияти ривожланишига замин яратмоқда. Шаҳримизнинг эски шаҳар номи билан юритиладиган қисмида қадимий Бухоро мақбараларига монанд меҳмон уйлари композицияси ҳосил қилинган. Ушбу ҳудудда аҳоли вакилларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши ёки меҳмон уйларини жиҳозлаши учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Биргина мисол, Фурқат маҳалласида қарийб 3000 киши истиқомат қилади. Маҳалланинг асосий драйвери хизмат кўрсатиш ва савдо. “Маҳалла еттилиги” томонидан ўтказилган хатлов натижаларига кўра, ҳудудда ишсиз 20 фуқаро рўйхатга олинган эди. Уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадли қилиш мақсадида



3 йўналишда 1 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилди. Натижада уларнинг барчаси даромадли тармоқларга жалб қилинди. Шунингдек, хорижда меҳнат қилаётган фуқаролардан 7 нафари миграциядан қайтарилиб, даромадли иш жойи билан таъминланди.

Имтиёзли кредитдан фойдаланганлардан бири — Нигора Файзиева заргарлик устахонасини ташкил этиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Унга зарур асбоб-анжомларни харид қилиши учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Дастлаб ўз хонадонида ишни бошлаган Нигора фаолиятини кенгайтириб, маҳалласидаги ишсиз 3 фуқарони ҳам иш билан таъминлади.

Айни пайтда “Сара Силвер” заргарлик мактабига асос солди. Тадбиркор ҳозир 10 дан ортиқ ёшга устоз-шогирд анъанаси доирасида ҳунар ўргатмоқда. Ўзи ва шогирдлари тайёрлаган заргарлик буюмларини республикамизнинг турли ҳудудига сотиб, йиллик соф фойдасини 100 миллион сўмга яқинлаштирди. Шаҳримизда бундай стартап лойиҳаларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди.

“Кўкалдош” маҳалла фуқаролар йиғинида эса меҳмонхона ва меҳмон уйлари ташкил этиш имконияти мавжуд. Маҳалладаги ишсиз фуқаролардан бири Азизбек Сатторов имтиёзли кредит олиб, “Мерос” номли меҳмонхона фаолиятини йўлга қўйди. Бугун у маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ушбу тармоқ ривожи натижасида бугун маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланган.

Шаҳримиз маҳаллаларида азалдан ҳунармандлар истиқомат қилиб келади. Авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган ҳунарга қизиқишнинг ёшлар орасида ҳам оммавийлашгани кишини қувонтиради. Масалан, Кўкалдош маҳалласида яшовчи Рафаэль Тошев миниатюра ва рассомчилик йўналишида оилавий фаолият юритиб, кўплаб шогирдлар етиштирмоқда. Чет эллик шогирдлари ҳам бор. Аслида, маҳаллада бундай ҳунармандлар кўп. Масалан, миллий кийимлар, келин-куёвларга сарполар тикадиган чевар Зулфия Сафоеванинг 100 дан ортиқ шогирди бор.

Маҳалланинг яна бир муҳим вазифаси оила мустаҳкамлигини сақлаб қолиш, ажрашишларнинг олдини олишдир. Маҳаллаларимизда бу борада ибратли ишлар йўлга қўйилган. Яъни катта ҳаёт тажрибасига эга отахону онахонлар, Оқила аёллар гуруҳи, Бувижонлар мактаби аъзолари, намунали оила вакиллари, профилактика нозири билан биргаликда ажрашиш ёқасида турган оилаларнинг муаммолари, ажрашиш сабаблари атрофлича ўрганилиб, уларга тўғри маслаҳат берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Инсон қадри учун” ғоясининг амалий ифодаси, энг аввало, маҳаллада намоён бўлади. Чунки маҳалла — халқимизнинг азалий қадриятлари мужассам бўлган, Ватан бағридаги кичик бир ватан, айни вақтда аҳоли билан давлат ўртасидаги энг яқин ва жонли мулоқот маскани. Бугун уни янада обод ва фаровон қилиш, одамларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит ҳамда кенг имкониятлар яратилмоқда. Энди биз, соҳа масъулларидан ана шу имкониятларни самарали рўёбга чиқариш, ҳар бир маҳаллани файзли, обод ва гўзал масканга айлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш талаб этилади.

ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИ ВА ОИЛАЛАР БАРАКАСИ

Тадбиркор аёллар фаолиятида намоён

Тадбиркорлик шунчаки маблағ топиш воситаси ёки қуруқ иқтисодий тушунча эмас, балки оилаларга хотиржамлик, хонадонларга қут-барака ва маҳаллаларга чинакам тараққиёт олиб кираётган ҳаётбахш кучдир. Уни ривожлантириш учун юртимизда барча ҳуқуқий ва молиявий пойдеворлар мустаҳкам яратиб берилмоқда.

Ислоҳотлар шиддати

Бухоро вилоятида амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳалари ҳам шунчаки қуруқ ҳисоботлардаги рақамлар эмас, балки юзлаб инсонларнинг кўзидаги қувонч, оилалар тўкинлиги ва истиқболли келажакка бўлган ёрқин ишончидир.

Омад формуласи маҳалладан бошланади

Бизнес занжирининг гўзал бир бўғини Бухоро шаҳрининг Фитрат маҳалласидан бошланади десак, муболаға бўлмайди. Маҳалланинг файзли кўчаларидан ўтиб борар экансиз, янги пишган



ширинликларнинг ён-атрофга таралаётган ёқимли ҳиди иштаҳангизни очиб, кайфиятингизни кўтаради. Аслида, бу ҳид ўз хонадонига даромад олиб кираётган ҳалол меҳнатнинг тотли бўйидир.

Бир пайтлар уйда ишсиз ўтирган, иқтисодий қийинчиликлар туфайли “Аёллар дафтари”га киритилган Нодирабегим Тоҳирова шу маҳаллада яшайди. 2025 йилда маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси ва кафиллиги асосида унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

— Бу пул кимдир учун балки катта рақам эмасдир, лекин мен учун янги ҳаётнинг, ушалмай турган орзуларимга қанот бўлган катта яхшилик эди. Ушбу сармоя эвазига хонадонимда замонавий ускуналар билан жиҳозланган “Napoleon premium” қандолат маҳсулотлари цехини ташкил этдик. Ҳозир бир кунда 25 турдан ортиқ ширинликлар ва тортлар тайёрлаб, аҳолига етказиб беряпмиз, — дейди у.

Энг муҳими, Нодирабегим ўзи оёққа туриб олгач, маҳалладошларини унутмади. Ишсиз опа-сингилларини қўллаб-қувватлади. Ҳозир унинг чоғроққина корхонасида 15 пазанда ходим доимий иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг 9 нафари маҳалладаги “Аёллар дафтари”да турган хотин-қизлардир. Уларнинг меҳнатига яраша, барқарор равишда 2,5 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача ойлик маош тўланмоқда.

Цехда “устоз-шогирд” анъанаси асосида қандолатчиликка қизиқувчи ёш қизларга амалий билимлар беминнат ўргатилмоқда.


Тадбиркор аёл иш ўринлари сонини 25 тага етказишни мақсад қилиб, навбатдаги кредит сармоясини олиш учун ариза расмийлаштирган. Нодирабегимнинг маҳалладошлари дастурхонини ширин қилаётган бу заҳмати Бухоронинг туризм инфратузилмасида йирик лойиҳани бошқараётган Шаҳноза Аҳророва фаолияти билан мантиқан боғланади.

Меҳмонхона бизнеси ва оилавий сулола

Нодирабегим маҳалладошларининг ҳаётига ширинлик олиб кираётган бир пайтда Бухоронинг яна бир фидойи аёли, асли Ромитан туманидан бўлган Шаҳноза Аҳророва хотин-қизларни хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасига жалб этиш орқали бандлик занжирини янги босқичга кўтармоқда.

У ҳам ўз вақтида ишсизлик машаққатини тортган, аммо юртимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, бугун Бухоро шаҳрида шинамгина “Rangrez Bukhara” хусусий корхонаси таркибидаги меҳмонхона тармоғини йўлга қўйган ташаббускор тадбиркор.

Лойиҳанинг асосий муваффақияти шундаки, у фарзанд тарбияси билан уйда ўтириб қолган, ҳунари бўлса-да, шароити йўқ аёлларни ўз атрофига бирлаштирди. Маҳалла фаоллари ва банк масъуллари кўмагида имтиёзли кредит жалб қилиб, ўзи яшаётган ҳудудда туризм хизматлари кўрсатишни бошлади.



— Меҳмонхона иши шунчаки келган одамга хона калитини топшириш дегани эмас. Чунки кўҳна шаҳримизга дунёнинг тўрт бурчидан сайёҳлар келади. Улар муомаламизга, кийинишимизга, табассумимизга қараб бутун бошли ўзбек халқига баҳо беришади. Шунинг учун мен ходимларимизга “Биз шунчаки бизнес қилаётганимиз йўқ, ўзбек хонадонининг маданиятини, меҳмондўстлигини ва ўзбек аёлининг юзини кўрсатяпмиз”, дейман, — дейди Шаҳноза Аҳророва. — Меҳмонхонамиз 30 та хонадан иборат бўлиб, бир вақтнинг ўзида 58 кишини қабул қила олади. 2023 йилда 2694, 2024 йилда 3200, 2025 йилда эса 4340 сайёҳга хизмат кўрсатдик. Шу давр оралиғида 2 миллиард 580 миллион сўм соф фойда олдик. Корхонадаги 12 ходимимизнинг ҳам рўзғори бут, улар олаётган ўртача ойлик маош эса тўрт миллион сўмни ташкил этади.

Бугун мазкур оилавий бизнес юксак профессионаллик асосида бошқарилмоқда. Шаҳнозанинг турмуш ўртоғи Шавкат Ҳасанов “Минор Гранд” МЧЖ молиявий менежери сифатида иқтисодий жараёнларни бошқарса, ўғли Бекжон Сайлиев “Rangrez Bukhara” хусусий корхонаси раҳбари сифатида меҳмонхона бошқарувини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Шаҳноза Аҳророва “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги” эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланган. Бундан ташқари, у сўнгги йилларда “Йилнинг энг яхши хизмат кўрсатувчи меҳмонхонаси”, “Энг яхши сервис кўрсатган меҳмонхона”, “Энг сифатли хизмат кўрсатган меҳмонхона”, “Йилнинг энг яхши менежери” каби ўнлаб нуфузли диплом ва мукофотларни қўлга киритди.

Қаҳрамонимизнинг яна бир катта ютуғи устозлик мақомидир. “Корхона-коллеж” ҳамкорлиги доирасида 3 йилда 650 битирувчи ёш ушбу меҳмонхонада амалиёт ўтади ва уларнинг саккиз нафари доимий ишга қабул қилинди.

Шаҳноза жамоатчилик ва ҳомийлик ишларида ҳам фаол бўлиб, сўнгги уч йилда кўзи ожизлар жамияти, ногиронлар жамияти, Меҳрибонлик уйлари ҳамда кам таъминланган оилаларга 100 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Яқиндагина Хоразм заминида Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган анъанавий очиқ мулоқоти Шаҳноза учун янги имкониятлар эшигини очди.

— Давлатимиз раҳбари Бухоро ва Хоразмда туризм билан бирга креатив индустрияни ривожлантириш зарурлигини айтди, — дейди Шаҳноза. — Бу биз учун янги вазифа. Мана шу яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитидан фойдаланиб, республика миқёсидаги йирик корхоналар билан кенг қамровли ҳамкорлик занжирини кучайтирамиз.

Мақоламиз қаҳрамони яратган хизмат кўрсатиш тармоғи бугунги кунда Бухоронинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилиш билан бирга хотин-қизлар ўртасида ишсизликни касб ўргатиш орқали ҳал этишнинг энг самарали моделига айланди.

Бухоролик бу икки тадбиркор аёлнинг ҳаёт йўли, заҳматли меҳнати ва эришган ютуқлари шунчаки алоҳида ажралган бизнес тарихи эмас. Бу ислоҳотлар, ташаббуслар ва оддий халқ интилиши бир нуқтада бирлашганда қандай буюк натижалар беришининг яққол ҳаётий мисолидир.

Уларнинг фаолияти худди занжирдек бир-бирини мантиқан тўлдиради. Нодирабегим маҳалла аҳли дастурхонига ширинлик ва барака улашса, Шаҳноза меҳмондўстлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида хотин-қизларни бирлаштириб, улар учун доимий даромад манбаи яратмоқда ҳамда аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини юксалтирмоқда.

Зеро, ҳаракат қилган, тинимсиз интилган ва ҳалол меҳнатдан қочмаган инсонга ризқ ҳам, бахт ҳам, албатта, кулиб боқаверади. Давлат томонидан берилган имкониятни тўғри илғаб, нафақат ўз оиласини, балки маҳалладош опа-сингилларини ҳам иш билан таъминлаётган тадбиркор аёлларнинг босиб ўтган йўли ушбу азим заминда камбағалликни қисқартириш ва хотин-қизлар бахтини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуқтаи назар

ЧЕКЛОВДАН ИМКОНИЯТГА

олий таълим тараққиётининг янги босқичи

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи мамлакатимиз босиб ўтган йўлни таҳлил қилиш, эришилган натижаларни баҳолаш ва келгуси тараққиёт вазифаларини белгилаш учун муҳим асос бўлди.
Иқтисодчи олим сифатида бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқчиман: олий таълимга сарфланган маблағ шунчаки ижтимоий харажат эмас, балки иқтисодиётнинг келажакдаги рақобатбардошлигига киритилган узоқ муддатли инвестициядир.



Бахтиёр НАВРЎЗОДА,
Бухоро давлат университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Кеча. Яқин ўтмишга назар ташласак, олий таълим тизимида ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд эди. Олийгоҳларга қабул имконияти чекланган, талабалар турар жойларига эҳтиёж юқори, айрим таълим муассасаларида ўқув лабораториялари ва моддий-техник база замон талабларига тўлиқ жавоб бермасди.

Бундай шароитда олий маълумот олиш кўплаб ёшлар учун катта орзу бўлиб қоларди. Қабул ўринларининг чеклангани рақобатни кучайтирган бўлса-да, ҳар доим ҳам билим ва қобилиятни тўлиқ намоён этиш учун етарли имконият яратмасди.

Яна бир оғриқли масала талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан ташқари ишларга, жумладан, пахта йиғим-теримига жалб этилиши эди.

Буни фақат меҳнат муносабатлари нуқтаи назаридан эмас, таълим иқтисодиёти нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш зарур. Чунки ўқитувчининг дарсдан, олимнинг тадқиқотдан, талабанинг эса билим олишдан чалғитилиши инсон капитали шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Илмий фаолиятнинг самарадорлиги узлуксиз изланиш, тажриба ва таҳлилга боғлиқ. Ўқув жараёнидаги ҳар қандай узилиш эса таълим сифатига таъсир этиши мумкин. Шу боис, мажбурий меҳнатга қарши амалга оширилган ислоҳотлар нафақат инсон ҳуқуқлари, балки таълим сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим.

Бугун. Ислоҳотларнинг энг кўзга кўринарли натижаси олий таълимга кириш имкониятлари кенгайишида намоён бўлмоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2017 йилда мамлакатимизда 77 та олий таълим ташкилоти фаолият юритган бўлса, 2025 йил якунига келиб, уларнинг сони 207 тага етган. Бу олий таълим муассасалари сони қарийб 2,7 баробар ошганини англатади. Олий таълим ташкилотлари таркибида давлат университетлари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасалари ва хорижий олийгоҳлар филиаллари фаолият юритиши таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантирмоқда.

Рақобат эса университетларни фақат талабалар сонини кўпайтиришга эмас, таълим сифати, замонавий дастурлар, илмий салоҳият ва битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга ундаши керак.

Ўсиш. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2015/2016 ўқув йилида олий таълим ташкилотларида 264,3 минг талаба таҳсил олган бўлса, 2025/2026 ўқув йили бошида уларнинг сони 1 миллион 535 минг нафарга етган. Демак, ўн йилда талабалар сони қарийб 5,8 баробар ошган. Бу рақамлар ортида минглаб оилаларнинг фарзандини олий маълумотли қилиш орзуси, ёшларнинг ўз келажагини билим орқали қуришга интилиши турибди.

Олий таълимга қамров даражаси кенгайиши ҳам мазкур ўзгаришларнинг муҳим кўрсаткичидир. Ёшларнинг олий таълимга қамрови 9 фоиздан 44 фоизга етди. Бироқ иқтисодий нуқтаи назардан муҳим савол бундан иборат: олий таълимга қабул кўпайиши меҳнат бозори учун қандай қиймат яратмоқда?

Агар университет битирувчиси замонавий касбий компетенцияга эга бўлса, ишлаб чиқаришга инновация олиб кирса, тадбиркорлик билан шуғулланса ёки янги иш ўринлари очса, таълимга киритилган инвестициянинг ижтимоий-иқтисодий самараси намоён бўлади. Шу сабабли энди асосий эътибор қамровдан сифатга, сифатдан эса аниқ иқтисодий натижага ўтиши лозим.

Сифат. Олий таълим муассасасининг имконияти аудитория, лаборатория, ахборот ресурслари, талабалар турар жойлари ва илмий инфратузилма билан бевосита боғлиқ. Илгари талабалар турар жойларига эҳтиёжни қоплаш жиддий муаммолардан эди. Расмий ҳисоботларга кўра, 2017 йилда талабалар турар жойларига эҳтиёжнинг 28 фоизи қопланган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 57 фоизга етган.

Бу ўсиш муҳим. Шу билан бирга, мазкур рақам талабаларни турар жой билан таъминлаш масаласи ҳали ҳам долзарб эканини кўрсатади. Чунки талаба учун муносиб яшаш шароити таълим жараёнининг ажралмас қисми. Унинг вақтини тежаш, хавфсиз муҳит яратиш, мустақил таълим олиш ва илмий изланиш билан шуғулланишига имконият бериш бевосита ўзлаштириш натижаларига таъсир қилади.

Илмий лабораториялар масаласида ҳам худди шундай ёндашув зарур. Замонавий лабораториянинг ҳақиқий қиймати фақат ускуналар нархи билан эмас, балки улар орқали бажарилган тадқиқотлар, тайёрланган мутахассислар, олинган патентлар ва ишлаб чиқаришга жорий этилган ишланмалар билан баҳоланиши керак.

Бухоро давлат университетида ҳам таълим, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ўзаро боғлаш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий ишланмаларнинг амалий аҳамиятини ошириш долзарб вазифалардан. Айниқса, Бухоро вилояти иқтисодиёти учун муҳим бўлган туризм, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар ва тадбиркорлик соҳаларида университет илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш катта имкониятларга йўл очади.





Рақамли таълим. Кечаги ва бугунги олий таълим ўртасидаги муҳим фарқлардан яна бири, шубҳасиз, бошқарув жараёнининг рақамлаштирилишидир. Илгари талабалар ўзлаштириши, давомати, ўқув режалари ва бошқа академик маълумотларни юритишда қоғозли ҳужжатлар салмоқли ўрин тутган. Бу эса маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил этиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда ортиқча вақт талаб қиларди. Бугун HEMIS ахборот тизими олий таълим жараёнларини бошқаришда қўл келяпти. Мазкур тизим орқали талабалар контингенти, профессор-ўқитувчилар фаолияти, ўқув жараёни, давомат ва академик натижаларни электрон шаклда юритиш имконияти кенгайди.

Олий таълимга қабул жараёнида ҳам очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган ўзгаришлар амалга оширилди. Қабул тартиблари рақамлаштирилиши ва натижалар ҳақида ахборот олиш имкониятлари кенгайиши норасмий аралашувлар хавфини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Бироқ рақамли тизимнинг ўзи барча муаммони автоматик ҳал этмайди. Унинг самарадорлиги маълумотларнинг тўғри киритилиши, адолатли баҳолаш мезонлари ва масъул ходимларнинг рақамли саводхонлигига ҳам боғлиқ. Шу маънода, рақамлаштиришни техник янгиланиш эмас, балки таълим бошқарувида ҳисобдорлик, шаффофлик ва натижадорлик маданиятини шакллантириш воситаси сифатида кўриш мақсадга мувофиқ.

Янги вазифа. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, университетларнинг мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссаси фақат дипломли кадрлар тайёрлаш билан чекланмайди. Замонавий университет янги ғоялар, технологик ечимлар, тадбиркорлик ташаббуслари ва ҳудудий ривожланиш лойиҳалари шаклланадиган марказ бўлиши лозим.

Масалан, туризм соҳасини олайлик. Бухоро бой тарихий-маданий мероси, зиёратгоҳлари ва хизмат кўрсатиш имкониятлари билан катта салоҳиятга эга. Бироқ сайёҳлар оқимининг кўпайиши ўз-ўзидан юқори иқтисодий самарани кафолатламайди. Бунинг учун туристларнинг ҳудудда қолиш муддатини узайтириш, кўрсатиладиган хизматлар турини кўпайтириш, рақамли маркетингни ривожлантириш, маҳаллий маҳсулотларни туристик қиймат занжирига киритиш ва кадрлар малакасини ошириш зарур. Ана шундай масалалар университет олимлари учун амалий тадқиқот йўналиши бўлиши мумкин.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш, кичик бизнесни бошқариш, ҳудудий меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш, рақамли иқтисодиёт имкониятларини кенгайтириш каби йўналишларда ҳам олий таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади.

Етти миллий дастур. Президентимиз келгуси ўн йилликда инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастур амалга оширилишини таъкидлади. Улар билим ва малакани тараққиётнинг асосий капиталига айлантириш, аҳоли саломатлиги, иқтисодиётни юқори технологиялар ҳамда меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш, сув ва табиатга муносабатни ўзгартириш, суд мустақиллиги, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, маҳалланинг жамият тараққиётидаги ролини кучайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг тинчлик, дўстлик ва бағрикенглик макони сифатидаги нуфузини юксалтириш каби устувор йўналишларни қамраб олади.

Мазкур дастурлар ўзаро узвий боғлиқ. Зеро, билимли кадрларсиз юқори технологияли иқтисодиётни шакллантириш, самарали бошқарувсиз ресурсларни тежаш, илмий ёндашувсиз эса ҳудудларни барқарор ривожлантириш қийин.

Ушбу дастурларни амалга оширишда олий таълим муассасалари фаоллиги алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун қатор омилларга эътибор қаратиш керак. Жумладан, университетларда инсон капитали самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур. Бунда битирувчиларнинг иш билан таъминланиши, ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритиши, касбий ўсиши ва иш берувчиларнинг қониқиш даражаси каби кўрсаткичлар мунтазам таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ҳудудий иқтисодиёт эҳтиёжларига мос илмий лойиҳалар портфелини шакллантириш лозим. Бухоро вилояти мисолида туризм, хизматлар иқтисодиёти, сув тежамкорлиги, агробизнес, рақамли маркетинг ва кичик тадбиркорлик йўналишларида амалий тадқиқотларни кенгайтириш муҳим.

Университет — корхона — маҳалла ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш керак. Ҳар бир ҳудуддаги иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларга илмий ечим таклиф қилиш ва натижани амалиётда синаб кўриш учун профессор-ўқитувчилар, талабалар, тадбиркорлар ҳамда маҳалла вакиллари иштирокида қўшма лойиҳалар ташкил этиш мумкин.

Талабаларнинг тадбиркорлик ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарур. Бизнес-режа тузиш, стартап лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш, бозор тадқиқотларини ўтказиш ва интеллектуал мулкни тижоратлаштириш бўйича амалий машғулотларни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Олий таълим муассасаларида ресурслар самарадорлигини ошириш муҳим. Энергия ва сув истеъмолини ҳисобга олиш, рақамли мониторингни кенгайтириш, яшил технологияларни қўллаш ҳамда тежамкор бошқарув усулларини жорий этиш орқали университетларнинг ўзи барқарор ривожланиш намунасига айланиши мумкин.

Таълим сифати билан меҳнат бозори талаблари ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш лозим. Ўқув дастурларини иш берувчилар билан ҳамкорликда янгилаш, амалий кўникмаларга йўналтирилган машғулотлар улушини ошириш ва талабаларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш муҳитида тажриба орттиришини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот натижаларини баҳолашда уларнинг амалий таъсирига кўпроқ эътибор қаратиш керак. Илмий мақолалар ва диссертациялар билан бир қаторда ишлаб чиқаришга жорий этилган ечимлар, ташкил этилган янги иш ўринлари, тежалган ресурслар ва яратилган иқтисодий қиймат ҳам муҳим мезон бўлиши зарур.

Хулоса. Кечаги ва бугунги олий таълимни қиёслар эканмиз, ўзгаришларнинг энг муҳим жиҳати инсонга бўлган муносабатда намоён бўлаётгани аёнлашади. Кеча олий таълимга кириш имконияти чекланган, инфратузилма муаммолари кўп ва таълим жараёнига бегона вазифалар аралашган даврлар бўлган бўлса, бугун олий таълим қамрови кенгаймоқда, бошқарув рақамлаштирилмоқда, илмий изланишлар учун янги имкониятлар шаклланмоқда. Айни пайтда бу натижаларни якуний манзил деб қабул қилмаслик керак. Олдимизда таълим сифатини ошириш, университетларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини кучайтириш, илм-фан натижаларини амалиётга кенг жорий этиш каби вазифалар турибди.

Президентимиз илгари сурган еттита миллий дастур ҳам айнан шундай ёндашувни талаб этади. Уларнинг муваффақияти давлат идоралари билан бир қаторда университетлар, илмий жамоалар, тадбиркорлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигига боғлиқ.

Тарих ва сайёҳ

Туризм гавҳари

Асрлар давомида Шарқнинг муҳим илм-фан ва маданият маркази бўлган табаррук замин — Бухоро бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг машҳур туризм масканларидан бирига айланмоқда.



Вилоятда сўнгги йилларда туризм соҳасини ривожлантиришда нафақат сайёҳлар оқимини ошириш, балки кўрсатилаётган хизматлар сифати ва даражасини янада яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада замонавий меҳмонхоналар, умумий овқатланиш шохобчалари, профессионал гидлик хизматлари ҳамда рақамли хизматларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Бухоро вилоятида тарихий мерос объектлари, зиёратгоҳлар, ҳунармандлик, гастрономия ва маданий тадбирлар ягона сайёҳлик йўналиши сифатида бирлаштирилмоқда. Масалан, зиёрат туризми доирасида Абдухолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳида бўлган сайёҳлар Ғиждувон туманидаги Нарзуллаевлар кулоллик марказига ташриф буюриб, маҳорат дарсларида иштирок этиши, шунингдек, гастрономик туризм йўналишида машҳур Ғиждувон кабобидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Келаётган сайёҳлар географиясида ҳам ўзгаришлар кузатилаётир. Энг катта сайёҳлар оқими, аввало, қўшни давлатлар ҳисобига шаклланяпти. 2026 йилнинг олти ойида қўшни давлатлардан 1 миллион 87 минг сайёҳ келиб, умумий хорижлик сайёҳлар оқимининг қарийб 69 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, Европанинг Италия, Франция, Испания, Германия каби давлатларидан 49,2 минг, Осиё давлатларидан эса 72,5 минг сайёҳ келиши ҳудуд жозибадорлигидан далолат беради.

Сайёҳлар вақтини мазмунли ташкил қилиш ва ҳудудда бўлиш муддатини узайтириш мақсадида ҳар йили 20 дан ортиқ фестиваль, кўргазма ва ярмарка ташкил этилиб келиняпти. Жумладан, 2025 йил 5 сентябрдан бошланиб 20 ноябрга қадар давом этган Бухоро I халқаро замонавий санъат биенналеси 40 та мамлакатнинг 65 дан ортиқ машҳур рассом ва уста ижодкорини бир ерда жамлади. Улар томонидан мунтазам равишда маҳорат дарслари, илмий-маърифий суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди.

2026 йил январь-сентябрь ойларида вилоятга 2 миллион 608 минг 300 хорижлик сайёҳ ташриф буюриб, уларга кўрсатилган хизматлар орқали туризм экспорти 745,2 миллион долларга етказилди. Бу рақам Бухорода сайёҳлар оқими юқори даражага чиққани, янги хорижий бозорлар ўзлаштирилаётгани ва вилоятнинг халқаро туристик харитадаги мавқеи мустаҳкамланаётганини англатади.

Туризм соҳасини барқарор ривожлантиришда жойлаштириш воситалари ўрни ва аҳамияти беқиёс. Зеро, сайёҳнинг ҳудудда қанча вақт қолиши, сафаридан олган таассуроти ва хизматлардан қониқиш даражаси кўп жиҳатдан унга кўрсатиладиган меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш хизматлари сифатига боғлиқ.

Бухоро вилоятида 2026 йил якунига қадар жами жойлаштириш воситалари сонини 760 тага, ўринлар сонини эса 19,7 мингтага етказиш белгиланган. Ҳозирги кунда Бухорода меҳмонхоналарнинг ўртача бандлиги 93 фоизни ташкил этмоқда. 2028 йилда янги Hyatt Regency Bukhara, Hotel Indigo Bukhara (IHG tarmoqlari), InterContinental Hotels Group (IHG) бренди остида меҳмонхоналар очилиши режалаштирилган.

259 та туроператор ва турагентнинг фаолияти рақобатни кучайтириб, сайёҳларга танлов имкониятини кенгайтиряпти. Бу компаниялар экскурсия, зиёрат, гастрономик ва маданий турлар каби турли маҳсулотларни таклиф қилаётир. Масалан, Жондор туманининг Ушот туризм қишлоғи, Шофиркон туманида Хожа Ориф туризм қишлоқларида сайёҳлар оқими ортиб, тур йўналишлар рўйхатига киритилган.

Охирги 10 йилда тадбиркорлар томонидан 679 та жойлаштириш маскани (шу жумладан, 258 та меҳмонхона ва 345 та оилавий меҳмон уйи) ташкил этилди. Хизматлар яхшиланиши ортидан йилига 2,7 миллион хорижлик ва 4,8 миллион маҳаллий сайёҳ келишига эришилди. Вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажми 14 фоиз ўсди. Натижада минглаб аҳолининг бандлиги таъминланди.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида Бухородан 1 миллиондан ортиқ аҳолининг бошқа ҳудудларга саёҳат қилгани ички туризмнинг икки томонлама иқтисодий жараёнга айланаётганини кўрсатади. Маҳаллий аҳоли учун туризм маданиятини ошириш ва мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имкониятларини кенгайтириш ҳудуд иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши билан эътиборга моликдир.

2026 йилнинг январь-сентябрь ойларида Бухорога 4,6 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳ келгани ҳудуднинг ички туризмда муҳим ва жозибадор марказлардан бири эканидан далолатдир. Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, миллий маданият ва гастрономия маҳаллий сайёҳларни жалб қилмоқда. Айниқса, Етти пир зиёратгоҳларига уларнинг қизиқиши катта.

Вилоят учун зиёрат, этнотуризм ва гастротуризм энг катта иқтисодий истиқболга эга. Масалан, зардўзлик ва заргарлик билан шуғулланадиган маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотлари сотуви ва миллий бренд ҳисобига жорий йил вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажми ўсгани сайёҳларда этнотуризмга қизиқиш катта эканини кўрсатади.

Мавсумийликни камайтириш учун Бухорода йил бўйи ишлайдиган Етти пир зиёрат туризми мажмуаси ва халқаро тадбирлар кенгайтирилмоқда. Ёз ойлари учун Девхона кўли ва “Жайрон” экомарказида сафари туризм масканлари кўпаётган бўлса, кечки ва тунги вақтларда туристик объектлар фаоллигини ошириш мақсадида маданий мерос объектларида “Тунги музей” ва “Кечки экскурсия” дастурлари мунтазам йўлга қўйилди. Тарихий марказдаги босимни камайтириш учун эса эски шаҳардан ташқарида 32,6 гектар майдонда янги Халқаро туризм маркази барпо этилмоқда. Сайёҳлар оқимини вилоят бўйлаб тарқатиш мақсадида Ромитанда дарё бўйи экотуристик маскани, Қоракўлда Пойкент археологик парки ҳамда Пешкуда Ибн Сино меросига бағишланган “Афшона” туристик кластери ташкил этилиб, оқим туманларга йўналтирилади.

Туризм ривожи ва тарихий мерос мувозанати ЮНЕСКО стандартлари ҳамда молиявий ва технологик чекловлар асосида таъминланади. Масалан, Бухоронинг тарихий марказига тушадиган юкни камайтириш учун барча йирик қурилишлар эски шаҳардан ташқаридаги 32,6 гектар янги ҳудудга кўчирилди ва қадимий обидалар атрофида транспорт ҳаракати чекланди. Тарихий биноларни асраш учун маҳаллий бюджет ва хусусий сектор маблағлари ҳисобидан реставрация ишларига миллионлаб доллар инвестиция йўналтирилади.



Акмалжон РАЖАБОВ,
Бухоро вилояти туризм бошқармаси бошлиғи

Чўпон бизни яшаш жойи ва хўжалиги билан таништира бошлади. Уйда ўрнатилган қуёш панеллари, сув таъминоти учун яратилган шароит, чорва сақланадиган катта қўтон — буларнинг ҳар бири алоҳида эътиборга молик эди.


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 31 октябрь, 226-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Йўл очерки

Бугуннинг чўпони



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Одам бирор манзилга йўл олар экан, ўзи билан бирга ўша жой ҳақидаги тасаввурларини ҳам олиб боради. Ҳали кўрмаган манзараларини хаёлида гавдалантиради, учратмаган одамлари қиёфасини тасаввур қилади, ҳатто уларнинг қандай яшаши, нима билан машғул бўлишигача ўзича хулоса чиқаради. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Инсон дунёни фақат ўз кўзи билан кўрганлари орқали эмас, бошқалардан эшитганлари, китоблардан ўқиганлари, болалигидан онгига сингиб қолган тушунчалар орқали ҳам танийди. Шунинг учун биз ҳали учратмаган одамимиз ҳақида ҳам муайян фикрга эга бўлишимиз мумкин.

Бироқ бундай тасаввурларнинг бир нозик жиҳати бор: уларнинг ҳаммаси ҳам шахсий тажрибага асосланмайди. Айримларини ота-онамиздан, айримларини жамиятдан қабул қиламиз. Кимнидир касбига, кимнидир яшаш жойига, яна кимнидир ташқи кўринишига қараб баҳолашга одатланамиз. Масалан, “кимёгар олим”, “тадбиркор”, “артист” ёки “чўпон” деган сўзларни эшитишимиз билан хаёлимизда бир-биридан фарқли қиёфалар пайдо бўлади. Уларнинг ҳар бирига ўзимиз билган ёки билган деб ўйлаган турмуш тарзини ҳам боғлаймиз.

Айниқса, асрлар давомида деярли ўзгармагандай туюладиган машғулотлар ҳақида сўз кетганда бу ҳолат яққол сезилади. Чорвачилик шулардан бири. Қўй боқиш, яйлов излаш, мол-ҳолнинг парвариши билан шуғулланиш кеча пайдо бўлиб қолган юмуш эмас. Бу меҳнатнинг табиатга боғлиқ жиҳатлари бугун ҳам сақланиб қолган. Лекин машғулотнинг моҳияти ўзгармагани уни бажараётган одамнинг ҳаёти аввалгидек қолганини англатмайди. Замон янгиликлари бир касб мазмунини бутунлай алмаштирмасдан ҳам унинг шароитини, имкониятларини ва иқтисодий аҳамиятини ўзгартириши мумкин экан. Бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Хўш, чўпон деганда кўз олдингизга қандай одам келади?

Табиийки, кўпчиликнинг хаёлида бир-бирига ўхшаш манзара гавдаланади. Қуёшда қорайган юз, ўсиб кетган сочсоқол, эгнига эски, увадаси чиққан кийим илган, қўлида алламбало таёқ тутган, бир қарашда саҳро бадавийларини ёдга солувчи сирли бир киши. Атрофида сурув, ёнида содиқ ити, бошпанаси эса чўлнинг бир чеккасидаги пастқам кулба. Унинг ҳаётини тасаввур қилганда ҳам кўпроқ машаққат, ёлғизлик, жазирама иссиқ ва қаҳратон совуқ ҳақида ўйлаймиз.

Албатта, бу образ ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Унинг замирида ўтмишдаги чўпонлик турмуши, адабиёт ва санъатдаги тасвирлар, катта авлоднинг хотиралари бор. Аммо ўша тасвирлардаги чўпон билан бугун чўлда меҳнат қилаётган инсон ўртасида қанчалик фарқ бор? Биз ҳозир ҳам чўпонни унинг кечаги қиёфаси билан баҳолаётганимиз йўқми?

Муаммо шундаки, чўпонлик ҳақидаги тасаввуримизда касбнинг моҳияти билан унинг оғир турмуш шароитини бир-бирига аралаштириб юборганмиз. Гўё чўпон бўлиш учун албатта хароб, тўкилиб тушай деган чайлада яшаш, жулдур уст-бошда юриш, замонавий қулайликлардан маҳрум бўлиш керакдек. Ҳолбуки, булар касбнинг ажралмас белгиси эмас, муайян даврнинг шароити эди.

Бухорога, Ўртачўлга сафаримиз ана шу одатий тасаввурларимизга жиддий таҳрир киритди.

Сафаримиздан кўзланган мақсад аниқ эди: вилоятда сўнгги ўн йилда юз берган ўзгаришларни одамлар ҳаёти мисолида ўрганиш, турмуши, меҳнати ва бугунги имкониятлари ҳақида ёзиш. Расмий маълумотлар, ҳисоботлар ва рақамлар билан танишишнинг ўзи кифоя қилмасди. Чунки ҳар қандай ўзгаришнинг одамлар ҳаётига қанчалик таъсир қилганини билиш учун улар билан суҳбатлашиш, кундалик юмушларини кузатиш, яшаш шароитини ўз кўзинг билан кўриш муҳим.

Сафар давомида вилоятнинг турли ҳудудларида бўлишни режалаштиргандик. Шулардан бири — Ўртачўл. Бу ерда чорвачилик билан шуғулланадиган чўпоннинг ҳаёти билан яқиндан танишмоқчи эдик. Унинг бир куни қандай ўтиши, рўзғорини ниманинг ҳисобидан тебратиши, чўпон бўлишнинг қийинчиликлари, бугунги даромади ва келажак режалари бизни қизиқтирарди. Айниқса, чўлда йилнинг тўрт фаслини ўтказадиган одам учун замонавий қулайликлар қай даражада аҳамият касб этишини билмоқчи эдик.

Бухоро шаҳри ортда қолиб, манзилимизга яқинлашганимиз сари йўл атрофидаги манзара ўзгариб борди. Аҳоли яшаш жойлари сийраклашди. Ҳадсиз кенгликлар бошланди. Чўлнинг ўзига хос сукунати, узоқ-узоқларга чўзилган текисликлар, онда-сонда кўзга ташланадиган чорва сурувлари... Бундай жойда яшаш учун одамдан қанчалик сабр, меҳнат ва матонат талаб этилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Йўлда кетаётиб, учрашадиган чўпонимиз ҳақида ўйладим. Суҳбатни нимадан бошлаш, қайси саволларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини хаёлимдан ўтказдим. Чорвачиликдаги харажатлар, ем-хашак, сув таъминоти, бозорга чиқиш имкониятлари ҳақида сўраш ниятим бор эди. Зеро, етти юз бошга яқин қўйни боқишнинг ўзи кичик хўжаликни бошқариш билан баробар. Бунинг ортида муайян ҳисоб-китоб, тажриба ва кундалик ташвишлар туриши аниқ.

Ниҳоят, манзилга етиб келдик. Биринчи эътиборимни тортган нарса чўпоннинг яшаш жойи бўлди. Биз кўришга одатланган кулба ўрнида хоналари бор, тартиб билан жиҳозланган шинам уй турарди. Бу ерда одам фақат тунаб чиқиши учун шароит қилинмаган. Кундалик яшаш, дам олиш, рўзғор юритиш учун зарур қулайликлар кўзда тутилган. Атрофдаги хўжалик иншоотлари ҳам бу ерда иш анча кенг кўламда ташкил этилганини кўрсатиб турарди.

Уч-тўрт киши кутиб олди. Шулар орасида чўпоннинг ўзи билан сўрашиб ўтганимизни пайқамадик ҳам. Шу киши чўпон деб таништиришгач, ҳаммамиз ҳайрат билан унга тикилдик. Эгнида озода кийим, ташқи кўриниши саранжом-саришта. Қорачадан келган деб ҳам бўлмайди. Яхши автомобили бор. Ўзини тутишида ишини биладиган, хўжалигидан хабардор одамга хос хотиржамлик сезиларди. У билан суҳбатни нимадан бошлашни ўйлаб келган бўлсам, энди саволларимнинг йўналиши ўзгара бошлаганди. Мен унинг қандай қилиб шундай хўжалик барпо этганини билмоқчи эдим.

Чўпон бизни яшаш жойи ва хўжалиги билан таништира бошлади. Уйда ўрнатилган қуёш панеллари, сув таъминоти учун яратилган шароит, чорва сақланадиган катта қўтон — буларнинг ҳар бири алоҳида эътиборга молик эди. Энг қизиғи, чўлнинг ўртасидаги бу хўжаликда замонавий техника ва электрон қурилмалар ҳам кундалик турмушнинг бир қисмига айланган.

Бу манзарани кўриб, чўпонликнинг бугунги иқтисодий имкониятлари ҳақида жиддийроқ ўйлай бошладим. Ахир бу ерда етти юзга яқин қўйни парваришлаётган, сув ва электр таъминотини йўлга қўйган, яшаш шароитини ўз эҳтиёжларига мослаб ташкил этган инсон билан суҳбатлашиб турардик. Унинг хўжалиги қандай бошқарилиши, қанча меҳнат ва маблағ талаб этиши, йил давомида қандай натижа бериши ҳақида билишга арзийдиган жиҳатлар кўп эди.

Айниқса, сув масаласига алоҳида қизиқдим. Чўлда чорва боқадиган одам учун сувнинг аҳамиятини тушунтириш ортиқча. Шунча қўйнинг кундалик эҳтиёжини қондириш учун доимий сув манбаи зарур. Бу ерда эса чўпон ўз хўжалиги учун сув чиқарган, ундан чорвасини суғоришда ҳам, рўзғор эҳтиёжларида ҳам фойдаланади. Бундай таъминотни йўлга қўйишнинг ўзи яхшигина маблағ, техник ечим ва кейинги харажатларни ҳисобга олишни талаб қилади.

— 2005 йилда чорвани отамдан қабул қилиб олганман, — дейди Баҳриддин ака Ҳафизов қўтон томон юраркан. — У пайтларда ҳозиргидек шароит қаерда эди? Сув топишнинг ўзи бир ташвиш, қўйни боқиш бир ташвиш. Қишда ўта совуқ, ёзда жазирама иссиқ. Отам чорванинг тилини тушунарди. Қўйнинг юришига қараб, аҳволини айтиб берарди. Қайси бири касал бўляпти, қайси бири қўзилашга яқин, қайси яйловда қанча туриш керак — ҳаммасини биларди. Мен кўп нарсани ундан ўрганганман. Лекин отамнинг ишини олдим дегани унинг яшаш тарзини ҳам ўзгаришсиз давом эттиришим керак дегани эмас-ку?! Шунча йил меҳнат қилиб, рўзғоримни яхшиламасам, топганимни нимадан қизғаниб юрибман!?

Бухорога сўнгги ўн йилдаги ўзгаришларни ўрганиш учун келгандик. Ўртачўлда эса бу ўзгаришларнинг бир инсон ҳаётидаги ифодасини кўрдик: одамнинг турмуши ўзгарганини унинг уйи ва машинасидан билиш мумкин, тафаккури ўзгарганини эса орзу-мақсадларидан.

Унинг гапларида эътиборимизни тортган жиҳат чўпонликка оддий тирикчилик манбаи сифатида қарамаслиги эди. Баҳриддин ака сурувни кўпайтириш, чорвага шароит яратиш, харажатни камайтириш ҳақида худди ўз корхонаси ишларини тушунтираётган тадбиркордек сўзларди.

— Одамлар етти юзта қўйингиз бор экан деб ҳисобини қилади. Лекин қўй дегани сандиққа солиб қўйилган пул эмас. Ҳар куни ейди, сув ичади, касал бўлади, болалайди. Битта касалликка бепарво қарасангиз, бутун сурувга юқиши мумкин. Қўзилаш пайтида эса кечаси билан ухламайдиган кунларимиз бўлади. Бозорга ҳам қараш керак. Қачон сотиш фойдали, қайси қўйни наслга қолдириш керак, қайси пайтда харажат кўпаяди — буларни ҳисобламасангиз, етти юзта қўйингиз бўлса ҳам топганингиз қаёққа кетганини билмай қоласиз. Мен чорвани кўпайтиришдан олдин уни қандай боқишни ўйлайман. Чунки қўйнинг сони кўп бўлгани билан парвариши яхши бўлмаса, фойдаси йўқ.

Ундан отасидан қолган касбни ўғли давом эттириши ҳақида сўрадик. Саволимизга кутилмаган жавоб олдик.

— Йўқ, ўғлимни чўпон қилмоқчи эмасман. Ўқитаман. Қўлимдан келса, яхши университетларда ўқисин, тил ўргансин, дунёни кўрсин. Ишимни давом эттиришга улгуради. Аввал билим олсин. Қизиғи, ўғлимни шу пайтгача Ўртачўлга бирор марта олиб келганман. Бу ерга келса, уйимизни кўради, қўйларимизни кўради. Отам ўқимасдан ҳам шундай яшаяпти-ку, менга ўқишнинг нима кераги бор деб ўйлаб қолишидан қўрқаман.

Суҳбат давомида Баҳриддин акадан чўпонликнинг бизга номаълум жиҳатларини сўрадик. Аввало, кўпчилик тасаввурида чўпоннинг ажралмас буюмига айланган таёқ ҳақида.

— Таёқни одамлар чўпоннинг белгиси деб билади. Аслида, у иш қуроли. Қўйни ҳайдашда, сурувдан ажралиб қолганини қайтаришда, нотекис жойда юришда керак бўлади. Чўпон таёғига доир кўплаб гаплар ҳозир эскирган. Шундай бўлса ҳам, айтай. Илгари чўпонларнинг одатда ҳар бирида биттадан чўпон таёғи бўлиб, уни олиш шарафига ҳар ким ҳам мушарраф бўлмаган. Чўпон ўз таёғини ўғлига ёки ишонган шогирди (чўлиғи)га топширган. Чўпон таёғи асосан гужум, тут, тол кабилардан ясалган. Чўпон таёғининг узунлиги 18-20 бўғимдан иборат бўлган. Ёши улуғ чўпонларнинг сўзларига қараганда, ҳатто чўпоннинг таёғи теккан бўри ҳам кўп ўтмай жон берган. Таёқнинг устидан сакраш ва уни синдириш қатъиян ман этилган. Яъни таёқ чўпонлар орасида ўзига хос аҳамиятга эга буюм, ҳимоя қуроли сифатида қадрланган. “Чўпон тўйи” деб аталадиган маросим бўлган дейишади. Мазкур маросимда шогирд устози олдида машаққатли вазифани ўз зиммасига олганининг исботи сифатида таёқни ерга қўйиб, унинг устидан уч марта сакраган. “Агар чўпонлик тартиб-қоидаларига бўйсунмасам, таёқдай қурий”, дея қасамёд қилган. “Чўпон тўйи”да асосан чўпоннинг қариндошлари ва кекса чўпонлар иштирок этган. Шогирд йигит кўпчилик олдида устоз чўпондан таёқни қабул қилиб олган…

Суҳбатимиз яйловдаги ўсимликларга кўчди. Баҳриддин ака чўлнинг ўзига хос ўсимлик дунёси ҳақида иштиёқ билан гапира бошлади.

— Сизлар бу ерга қараб, қўйлар нима ейди деб ўйлашингиз мумкин. Лекин чўлни билган одам унинг ўтига ҳам бошқача қарайди. Биз томонларда қўй ейдиган йигирмадан ортиқ турдаги ўсимлик бор. Улар орасида шифобахш хусусияти билан танилганлари ҳам учрайди. Ҳар бирининг ўсиш вақти, қўйга ёқадиган мавсуми бор. Қўй ҳам ҳамма ўтни бир хил емайди. Бирини баҳорда яхши ейди, бошқасини кузда. Шу ўтларни еб юрган қўйнинг гўшти ўзгача бўлади. Бизникини олиб кетганлар мазасига алоҳида баҳо беради.

— Харидорларингиз асосан қаердан келади?

— Бухоронинг ўзидан ҳам олишади, бошқа вилоятлардан ҳам. Қашқадарёдан, Самарқанддан, Тошкентдан келадиганлар бор. Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистондан харидорларимиз бўлади. Бир марта олиб кетиб, кейин яна мурожаат қиладиганлари бор. Бизда харидор билан ишлашнинг ўз қоидаси мавжуд. Қўйни сотдингизми, тамом деб бўлмайди. Одам сиздан яхши мол олса, кейин яна келади. Шунинг учун сотадиган чорвамизнинг ҳолатига алоҳида қараймиз.

— Яхши чўпон бўлиш учун нима керак?

— Аввало, кузатувчан бўлиш керак. Қўйнинг кўзига қараб ҳам баъзи нарсаларни пайқайсиз. Ҳаракати сустлашса, бошқалардан ажралиб қолса, сабабини қидирасиз. Лекин ҳар қандай белгини кўриб, ўзбошимчалик билан даволаш тўғри эмас. Ветеринар билан маслаҳатлашамиз. Кейин чўпон ерни билиши керак. Яйловнинг қайси қисмида ўт яхши, қаерида сув бор, қайси йўл хавфсиз — буларни ўрганишга йиллар кетади. Отам билан юрган пайтларимда бир жойни кўрсатиб, бу ерга фалон ойда келамиз дерди. Ўшанда тушунмасдим. Кейин билсам, ўтнинг ўсиши, ернинг ҳолати, ҳатто шамолнинг йўналишигача ҳисобга олар экан.

Унинг гапларидан кейин чўлга яна бир бор назар ташладим. Узоқдан қараганда бир хил кўринадиган ер майдони Баҳриддин ака учун турли хусусиятларга эга ҳудудлардан иборат эди. У қаерда қандай ўсимлик ўсишини, қайси жойда чорвага қулай шароит борлигини, қайси йўналишда юриш мақбуллигини билади. Бу билимнинг катта қисми йиллар давомида тўпланган тажриба маҳсули.

— Ўғлингизга бу ердаги меҳнатингизни кўрсатмасликка ҳаракат қилар экансиз. Лекин у отасининг нима иш қилишини билади-ку?

— Билади. Мен ундан ишимни яширмайман. Фақат бу ерга олиб келмаганман. Чўпонликни фақат тайёр хўжалик, машина, уй, пул билан боғлаб қўйишини хоҳламайман. Ҳозир ўқиши керак. Китобини ўқисин, тил ўргансин. Баъзан мендан бирор нарса сўрайди, жавобини билмай қоламан. Шунда билимнинг қадрини янада яхши тушунаман. Мен тажрибам билан кўп ишни уддалайман. Лекин дунёда мен билмайдиган нарсалар қанча? Ўғлим мендан кўпроқ билсин дейман.

Ҳовлига қайтгач, Баҳриддин ака бизни уйига таклиф қилди. Чўл ўртасидаги бу хонадоннинг ички кўриниши эътиборимизни тортди. Маиший техника, телевизор, интернетга уланган қурилмалар — шаҳар хонадонларида кўришга ўрганган буюмларимиз шу ерда ҳам бор.

— Аввалига генератор ишлатардик. Ёқилғи керак, таъмири бор, овози бор. Кейин қуёш панеллари ҳақида суриштирдим. Ҳисоблаб кўрсам, бизга маъқул келадиган томонлари кўп. Ўрнатдик. Энди кундалик эҳтиёжимизнинг бир қисмини уйимни ҳам, хўжалигимни ҳам ўзимга қулай қилиб олганман.

— Чўл сизга нимани ўргатди?

— Шошилмасликни. Айниқса, чорвачиликда натижани бир кунда кўрмайсиз. Бугун қўзи туғилади, уни боқасиз, катта қиласиз. Яхши насл олиш учун йиллаб ишлайсиз. Қудуқ қаздирсангиз ҳам, уй қурсангиз ҳам харажатини бир кунда қопламайсиз. Шунинг учун ҳар ишни ўйлаб қилишга ўрганганман. Яна одамнинг ваъдасида туриши муҳим. Бир одамга қўй сотаман дедингизми, келишувга амал қилиш керак. Бозорда ишонч йўқолса, кейин уни тиклаш қийин.

— Йигирма бир йил аввалги ўзингизга битта маслаҳат бериш имкони бўлса, нима дердингиз?

— Илм ўрган дердим. Чорвачиликни ҳам чуқурроқ ўрган. Ҳисоб-китобни яхши бил. Тил ўрган. Бошқа мамлакатларда чорвачилик қандай ривожланганини кўр. Мен ёшлигимда кўпроқ отамдан ўрганганларимга таянганман. Бунинг фойдаси катта бўлган. Лекин ҳозир тушуняпманки, тажрибанинг ёнига билим қўшилса, иш анча яхши бўлар экан. Шунинг учун ўғлимнинг ўқишини хоҳлаяпман-да.

Унинг бу жавобида дастлабки суҳбатимизда айтган фикрларининг сабаби янада аниқроқ намоён бўлди. Баҳриддин ака ўғлини ўқитишга интилаётганини ўз ҳаёти давомида билимнинг аҳамиятини англаб етгани билан изоҳларди.

Кун давомида Баҳриддин аканинг иш тартиби, хўжалиги ва оиласи ҳақида анча суҳбатлашдик. Унинг жавобларида баъзан ҳазил, баъзан ҳисоб-китоб, баъзан эса отаси билан боғлиқ хотиралар аралашиб кетарди. Бир саволга жавоб қайтараётиб, қўйларнинг аҳволини сўраб қўяр, бошқа савол ўртасида ишчиларидан бирига топшириқ берарди. Бу ерда суҳбат учун алоҳида ажратилган вақт ҳам кундалик ишлардан бутунлай холи эмасди.

Баҳриддин ака Бухорода яна қаерларга боришимизни сўради. Сафар режаларимиз ҳақида бир оз суҳбатлашдик, самимий меҳмондорлик учун миннатдорлик билдирдик. Қайтар эканмиз, хаёлимдан бир савол ўтарди: бугунги чўпоннинг ҳаётидаги энг катта ўзгариш нима? Чўл ўртасидаги шинам уйми, қуёш панеллари ёки яхши автомобилми? Буларнинг барчаси, шубҳасиз, фаровонлик белгиси. Бироқ Баҳриддин аканинг ўғли ҳақидаги гаплари улардан ҳам кўпроқ ўйлантирди. Отасидан чўпонликни мерос олган инсон ўз фарзандига, аввало, билим беришни истаяпти. Ҳатто бу ердаги тўкинчилик унинг ўқишга бўлган иштиёқини сусайтиришидан хавотирда.

Бухорога сўнгги ўн йилдаги ўзгаришларни ўрганиш учун келгандик. Ўртачўлда эса бу ўзгаришларнинг бир инсон ҳаётидаги ифодасини кўрдик: одамнинг турмуши ўзгарганини унинг уйи ва машинасидан билиш мумкин, тафаккури ўзгарганини эса орзу-мақсадларидан. Баҳриддин ака бугунги ҳаётидан рози. Аммо фарзанди келажагини ўзининг бугунги имкониятлари билан чегаралашни ҳам хоҳламайди.

Учрашувдан олган энг муҳим таассуротимиз шу бўлди. Зеро, тараққиётнинг ҳақиқий кўлами фақат одамлар нималарга эришгани билан эмас, энди нималарга интила бошлагани билан ҳам ўлчанади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 00:25 Топширилди — 01:15